

ЙЎЛДОШ СОЛИЖОНОВ

МЕН СИЗДАН САБОҚ ОЛДИМ

(Адибларга мактублар)

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти
Тошкент - 2007

83.3(5У)
С 77

Солижон, Йўлдош.
С 77 Мен сиздан сабоқ олдим:
(Адибларга мактублар/ Йўлдош
Солижонов. — Т.: Алишер Навоий
номидаги Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси нашриёти, 2007. — 64 б.

ББК 83.3 (5У)

ISBN 978-9943-06-023-4

© Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007 йил.

МУҚАДДИМА

Мактубни кўнгиш элчиси дейдилар. Одатда ўз яқинларингга, ёру биродарларингга хат ёзаётганингга ўзингни хийла эркин ҳис қилсан, турли хотираларга берилсан. Дилингдаги бор гапни тўқиб солгинг келади. Мактуб ёзиб бўлингандан кейин одам ўзини жуда енгил сезади.

Мактуб одамлар ўртасидаги мулоқот воситаси, дўстлик, биродарлик риштасидир. У орқали кўнгиш қошонасини вайрон қилиш ҳам, хароба дил кулбасини обод қилиш ҳам мумкин. Хатда муаллифнинг сурати ва сийрати «мана ман» деб кўриниб туради. Чунки дилда бори қоғозга тушади-да. Унда хат йўллаётган одамингга юзма-юз туриб айтолмайдиган гапларингни ҳам ёза оласан.

Шунинг учун ҳам мен ушбу рисолада ўзим яхши кўрган, яхши билган адибларга бўлган меҳрим, муҳаббатим, муносабатимни бадиий нутқнинг эпистоляр шаклида—мактублар орқали изҳор этишга уриндим. Шукурки, Оллоҳ берган умримнинг 40 йилдан ортиғини ижодкорлар, санъаткорлар, адабиётшунос олимлар даврасида ўтказдим. Улар билан кўп мулоқотда бўлдим. Ўйлаб қарасам, бу суҳбатларда кўпчиликка айтиб берса арзийдиган қизиқарли воқеалар, ибратли ҳодисалар бўлиб ўтган, ўйга толдирадиган муаммолар ҳақида гап кетган экан. Энг муҳими, бу учрашув ва суҳбатлардан ўзим катта сабоқлар олдим, фикр доирам кенгайди, илмга, бадиий ижодга иштиёқим, ҳавасим, масъулиятим ошди. Шунинг учун уларни бошқаларга ҳам илдиндим.

Мактубларда мен фақат шахсий муносабатлар доирасинигина олмадим. Ёзувчи билан хат орқали суҳбат қургандан кейин уларнинг ижодий ўзига хослиги, услуби, асарлари таҳлилига тўхталмаслик мумкин эмасди. Мактубларни ўқиган ўқувчи улардаги икки йўналиш, икки хил оҳангни илғаб олар. Буларнинг биринчиси, шахсий, дўстона муносабатлар бўлиб, бу йўналиш беғараз ҳазил-мутойиба оҳанги билан йўғрилган. Иккинчиси, шу адиб ижодига адабиётшунос-мутахассис сифатида ёндашиш, жиддий адабий ўйлар оҳангида олиб борилди.

Умид қиламанки, ушбу мактублардан барча касб эгалари ўзлари учун нимадир оладилар. Ўзим эса мактубларни тайёрлаш жараёнида бу адибларнинг ижодий лабораториясига янада чуқурроқ кириб бордим. Улар билан ўтказилган суҳбатларимизда ижод, адабиёт, тарих, шахс, ёзувчи ва унинг ҳаётда тутадиган ўрни масалалари бўйича кўп нарсани

ўргандим. Бунинг учун аввало, устоз адабимиз Саид Аҳмад домлага, Ўткир Ҳошимов, Омон Мухтор, Муҳаммад Али каби дўстларимга алоҳида миннатдорчилигимни билдираман.

Мактублар адабларнинг адабиётимизда эгаллаган мавқеига кўра эмас, балки ёшига қараб жойлаштирилди. Буни энг адолатли йўл деб билдим.

НАЗАРИНГИЗГА ТУШГАНИМДАН БАХТИЁРМАН

Ўзбекистон қаҳрамони, халқ ёзувчиси Саид Аҳмадга

Ассалому алайкум, Саид Аҳмад ака!

Эслайсизми, 50 йиллик юбилейингиз муносабати билан Фарғона давлат педагогика институтига келганингизда ўтказилган учрашувда мен ижодингиз ҳақида маъруза қилгандим. Минбарга чиқаётганимдаёқ Сиз мени кўриб, «Воҳ, буни қара-я, бутун Ўзбекистонда битта мен гўзалман деб юрсам, сен ҳам борақансан-ку!» дегандингиз. Залда «гур-р» кулги кўтарилди. Айниқса, ўзингизнинг таърифингиз билан айтганда, Фарғонада туриб қаҳқаҳа урса, Тошкентда эшитиладиган кулги чемпиони Йўлдош Сулаймоннинг овози ҳамманикини босиб кетганди. У пайтда кичик укамиз Анвар Обиджон ҳали танилмаган, бурни ҳам жимитдеккина эди-да! Ўша учрашувдан кейин институт биноси олдида бир-биримизга яқин туриб, аскиялашиб суратга тушдик. Сиз билан бирга ёзувчи Мирмуҳсин ака ҳам келганди. Биз кафедрамиз мудири, таниқли адабиётшунос Акрамжон Иброҳимов, филология фанлари номзоди, доцент Хатибахон Ҳақимовалар билан бирга эдик. Атрофимизни жуда кўп талабалар ўраб олишганди... Орадан ўн йил ўтиб, 60 ёшингизни нишонлаш учун келганингизда ўша суратни кўрсатиб, «Ака, уйда жиянларингиз мана бу расмда Сизни кўришиб, “Дада, мана бу амаки ким? Сизга жуда ўхшаркан» дейишди. Мен уларга бу одам менинг ота бошқа, она бўлак акам бўладилар, десам, бола-да, «Ура, бизнинг қандай чиройли амакимиз бор экан», деб роса хурсанд бўлишди» дедим. Шунда ҳам Сиз гапнинг пайровини гўзаллик салонига буриб, бир зал одамни роса қулдиргандингиз. Ўзи Сиз борган жойда кулги, қаҳқаҳа авжига чиқади-да! Айниқса, Фарғонага келганингизда баҳри-дилингиз очилиб кетади. Бу ерда Сизни танимайдиган ва яхши кўрмайдиган одам йўқ. Дўстингиз, Фарғона афандиси Адҳам Ҳамдам, укангиз Йўлдош Сулаймонлар (икковини ҳам Оллоҳ раҳматига олган бўлсин!) билан биргаликда бу вилоятда бормаган қишлоғингиз, кирмаган хонадонингиз қолмагандир.

Саид Аҳмад ака! Сизни халқимиз ўзининг ғоятда ардоқли ва истеъдодли адиби деб билади. Асарларингиз кириб бормаган хонадон бўлмаса керак. Айниқса, «Уфқ» романингиз фарғоналиклар

учун жуда яқин ва қадрлидир. Боиси ундаги ҳар бир образда ўзининг қариндош-уруғини, манзаралар тасвирида эса, она қишлоғи тимсолини кўрадилар. Асарингиздаги Икромжон, Жаннат хола, паҳлавон йигит Азизхон, жисмонан ожиз бўлса-да, ор-номуси Азизхондан ҳам кучлироқ бўлган Акбарали, тенгсиз хасис Иноят оқсоқол... қайси бирини айтай? Барчаси ўзимиз кўрган, билган одамлар бўлиб чиқаверади. Сиз бу одамларни ўз кўзингиз билан кўргансиз, уларни шахсан танийсиз. Китобга материал тўплаш учун келганингизда, Марказий Фарғона ерларида меҳнат қилаётган ўнлаб бўлажак қаҳрамонларингиз билан учрашгансиз, уларнинг ҳаётидан зарур лавҳаларни танлаб олгансиз. Шулардан бири иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, узоқ йиллар жамоа хўжалигига раҳбарлик қилган Холматжон Марозиқов эди. Романда бу киши ўз номи билан қатнашган. У билан Сизнинг борди-келдингиз бор эди. Холматжон аканинг жияни Исмоилжон Ҳожиалиев бизнинг факультетимизни битирган, менинг илмий раҳбарлигимда диплом иши ёқлаган. Институтни битиргач, тоғасига ўхшаб Ёзёвоннинг Сарсонқум чўлларида бир неча йил ишлади. Ҳозир биз билан бирга меҳнат қилади, фан номзоди, докторлик диссертацияси ҳам тайёр бўлиб қолди. Унинг айтишича, Холматжон аканинг авлодлари ҳозиргача ҳам Сиздан хабар олиб туришаркан. Сиз ҳам Фарғонага келганда уларни йўқламай кетмас экансиз. Исмоилжоннинг ўзи ҳам ҳар гал Тошкентга келганида Сизни кўрмасдан қайтмас экан. Бир марта келганида тобингиз бироз қочганлиги учун Нодирахон у йигитни танимай, кўришишга қўймапти. Кейин Сиз суриштириб, у Фарғонанинг Тошлоқидан эканлигини билиб, йўлдан қайтарибсиз. Суҳбатлашиб ўтириб қадрдонларингизни суриштирибсиз. Чой келганида Исмоилжон, фарғоначасига қайтармоқчи бўлган экан, «Шошма, аввал қайтармай туриб менга бир пиёла қуйиб бер-да, кейин хоҳлаганингча қайтариб ичавер. Сиз фарғоналиклар чойни қайтармай ичолмайсизлар. Биз, тошкентликлар эса қайтармай ҳам ичаверамиз» деган экансиз. Буни Исмоилжон укамиз менга кўп марта қувониб-қувониб айтиб берганди.

Биласизми, ака, дадам Мулла Солижон Усмонхўжа ўғли салкам 90 йиллик умрининг ярмидан кўпини жамоа хўжаликларида раис, бош ҳисобчи, оддий ҳисобчилик қилиб ўтказган, эскичадан ҳам, янгичадан ҳам саводхон одам эдилар. «Қирқ беш кун» романингизни уларга ўқиб берганман. Дадам ҳам, бувим ҳам, амакиларим ҳам Катта Фарғона канали қурилишида тўла ишлаганлар. Романда тасвирланган воқеаларни «Ия, буни қара-я, худди шуниси бизда

бўлган-да! Ўша Иноят оқсоқолни биз ҳам кўрганмиз. Эшак миниб келарди» деб ўтирардилар. Мен бу пайтда Фаргона Давлат педагогика институтининг ўзбек адабиёти кафедрасида ишлардим, фан номзоди эдим. Ҳаёт ҳақиқати ва бадиий тўқима деган масалаларга ақлим балодек етарди. Тезда Сизнинг ўзига хос маҳоратингиз тўғрисида «Меҳнат - маҳорат кўзгусида» сарлавҳали мақола ёзиб, «Ўзбек тили ва адабиёти» журналида эълон қилдим. Унда «Қирқ беш кун» романида ўзбек халқининг меҳнатсеварлик фазилати симфоник оҳангда жаранглаганини биринчи марта айтгандим.

Саид Аҳмад ака! Қуйидаги хотирамни айтиб, мабодо кўнглингизга озор етказиб қўйсам мени маъзур тутасиз. Гап Саида опам ҳақида. Сиз билан Саида опамнинг меҳр-муҳаббати ҳали ёзилмаган улкан лирик дoston, ёшлар учун ибрат мактабидир. Мана, 30 йилдирки, маҳбубангизнинг руҳини шод этиб яшаб келяпсиз. Эркак кишига осон эмас. Саида опамнинг ўзлари вафодорликнинг тирик маъбудаси эдилар. У кишига бағишланган хотира-эссенгиздан билишимизча, Саида опа бошига не-не оғир кунлар тушса ҳам остонани покиза сақлаб, Сизни кутганлар. Шоира опамиз шеърларидан бирида бежиз шундай ёзмаган эдилар:

Ҳиёнат, ғийбатни билмадим сира,
Нодонлик йўлига қўймадим оёқ.
Ишқим бўлсин дедим нурдек покиза,
Балки шунинг учун сочимдаги оқ.

Саида Зуннунова таваллудининг 70 йиллигини нишонлаш водийдан бошланган эди. 1996 йилнинг май ойлари бўлса керак, Сиз қизингиз Нодирахон ва бир неча адиблар билан университетимизга ташриф буюрдингиз. Катта мажлислар залида ўтказилган йиғилишда мен Саида опа ижоди ҳақида тўлқинланиб гапирдим. Сўзимнинг охирида Сизга мурожаат қилиб, агар мен ҳайкалтарош бўлганимда эди, вафодор эркак тимсолини ҳеч иккиланмасдан Сизнинг қиёфангизда яратган ва унинг пойига қуйидаги сатрларни ёзиб қўйган бўлардим дедим-да, мана бу шеъримни ўқиб бердим:

Бир йигит умрини яшадим сенсиз,
Гоҳо шарбат ичиб, гоҳ заққум ютиб.
Сочларим оқарди, қаддим букилди,
Ишқингни нур каби покиза тутиб...

Хиёнат нелигин билмагай хилқат,
Кўзимда нур борки, сени кутаман.
Ҳаётим йўлини ёритган чироқ
Ўзингсан, бир умр интиқ ўтаман.

Шунда... эҳ, Сизнинг кўзларингизда қалқиб турган ёшни кўрдим (кечирасиз, ўзимнинг ҳам кўнглим тўлиб кетди).

Ака! Сизнинг «Жимжитлик» романингиз бадиий нутқ поэтикасига бағишланган докторлик диссертациямнинг асосий объектидан бири бўлди. Сиз бу романингизда том маънодаги психолог-адиб сифатида намоён бўлгансиз. Унда қаҳрамонлар руҳий дунёсини очиш учун кўпроқ ташқи унсурларга - нарса ва предметлар иштирокига алоҳида эътибор берасиз, уларнинг кўриниши, жойлашуви, тасвири орқали персонажнинг ички дунёсига чуқурроқ кириб бораверасиз. Фикримни исботлаш учун романинг асосий қаҳрамонларидан бири Шавкат Раҳимов билан боғлиқ эпизодларда тасвирланган руҳий кечинмаларни таҳлил қилиб кўрайлик. Шавкат Раҳимов Мирвали раҳбарлик қилаётган хўжаликка қир ёнбағрида «Кийиксовди момо» билан «Қора Лочин» лақабли отга атаб бунёд этилган ёдгорликларни очиш учун ўтказиладиган тантанага ташриф буюради. Бу пайтда Раҳимовнинг кайфияти жуда кўтаринки, хушчақчақ ва тетик эди. Шу сабабли бу ёдгорликлар унинг кўзига худди ҳаракат қилаётгандек, рангин ва тароватли кўринади. Ёдгорлик, унинг атрофидаги буюм-нарсаларнинг биронтаси ҳам қаҳрамон нигоҳидан четда қолмайди. Шавкат Раҳимовнинг ҳар бир сўзи, ҳаракати, қилиғи айни чоғдаги кайфияти билан уйғунлашиб кетади: «Мармар супа тепасида ўн метр баландликда нуруний бир она гавдаланди. Унинг бир қўлида кийик боласи. Ёнида шохдор она кийик йўлга қараб турибди. Онанинг қўллари пастликка қараб чўзилган.»

Иккинчи ёдгорлик очилганда эса, Раҳимовнинг кўз олдида «бир метрча баландликдаги супачада қоп-қора бир от пайдо бўлди. Унинг эгари қошига автомат билан қасқа илинган. От довонга, Кийиксовди момо томон ўрлаб кетаётибди.» Қаранг, бу тасвирдаги ҳар бир детал, ҳар бир ибора шоду хуррам Шавкат Раҳимовнинг хуш кайфиятига ниҳоятда мос келади. Ҳатто ёдгорликларнинг неча метр баландликка жойлашгани ҳам унинг (аслида Сизнинг) эътиборидан четда қолмайди. Она кийикнинг йўлга қараб турганию (худди тирикдек!), онанинг қўллари пастга чўзилганигача, Қора Лочиннинг эгари қошига илинган автомат билан каскадан то унинг

довонга томон ўрлаб кетаётгандек кўриниши ҳам чуқур психологик маъно англатади. Ахир, одам хурсанд, кайфияти кўтаринки бўлганида ҳамма нарса ҳам кўзига гўзал кўринади-да! Аксинча бўлса-чи? Бу ҳолатни ҳам Сиз жуда ўрнида ва ишонарли тасвирлай олгансиз.

Шавкат Раҳимов кейинги келишида «остидаги курси қимирлаб»роқ турганидан «Раҳимов жуда руҳсиз эди» деб таъкидлайсиз-да, Маҳқамов билан ҳам, Мирвали билан ҳам хушламайроқ кўришганига урғу берасиз. Уларга бир оғиз ҳам гапирмай (кўнглига сиғмасди-да!) «Икки қўлини орқасига қилганича, Кийиксовди момо ҳайкалини томоша қила бошлади. Раҳимов момо тикилиб турган томонга қаради. Қора Лочин ҳайкалини кўрди. У аста юриб Қора Лочин томон кета бошлади. Ҳайкал атрофида бир айланди. Тошга айланган от ҳорғин бир қиёфада бошини ерга эгганича Момо томон кетаётгани».

Қаранг, бу тасвирда аввалги кўринишдаги кўпгина деталар тушиб қолган. Чунки юраги ғаш (бунга Исроил ўлимнинг дахли йўқ) Раҳимовнинг кўзига бу сафар Кийиксовди момонинг бир қўлидаги кийик боласи ҳам, пастликка қараб чўзилган қўллари ҳам, она кийикнинг шохдор эканлиги ҳам, Қора Лочиннинг қош-қора ранги ҳам, эгари қошига илинган автомат билан каска ҳам, унинг бошини мағрур кўтариб, гўё Кийиксовди момо томонга ўрлаб кетаётгандек ҳолати ҳам кўринмайди. Аксинча, Момо пастликка ғамгин тикилиб тургандек, от эса аллақачон тошга айланган, бошини ерга эгганича ҳорғин бир қиёфада Момо томонга секин-секин (аввалги кўринишдагидек ўрлаб эмас!) кетаётгандек туюлади.

Бу Сизнинг юксак санъаткорлик маҳоратингиздан бир қирраси холос. Таҳлил қиламан десам, бунақа мисоллар талайгина.

Э, гапираман десам, гап кўп, ака! Энг муҳими, мени хурсанд қилгани — ҳар гал тўлиқ рақамли юбилейларингизни биринчи бўлиб Фарғонадан бошлашингиз, кўшлаб дўст-биродарларингиз қаторида мендек укангизни ҳам бир кўриб, елкасига қоқиб қўйишингиздир. Шунда менинг оёқларим ердан узилади-да, кўкларда парвоз қила бошлайман. Баландликдан туриб, таниш-билишларимга қараб, «Кўриб қўйинглар, мен Ўзбекистондаги энг гўзал инсоннинг яқиниман!» деб хайқиргим, мақтангим келади. Ҳар сафар келганингизда ижодингиз тўғрисида гапираман ва битта китобингизга дастхат ёздириб оламан. Бу дастхатларингиз ичида айниқса, биттаси менга жуда қадрли-да, ака! Мана ўша дастхат:

«Йўлдошали! Сиз билан бурундош бўлганимдан бахтиёрман!» Имзо.
8.05.1980.

Мен эса Сиздек бағри кенг, камтарин, ҳазилкаш инсон ва улуф санъаткор назарига тушганимдан бахтиёрман. Илоҳим, умрингиз узоқ бўлсин!

Сўнгсўз: Айтгандек, Сиз 1984 йили келганингизда кафедрамизнинг фахрий профессорлигига сайланган эдингиз. Эсингиздан чиқмадимми, ака? Дарс ўтишга қачон келасиз? Биринчидан, талабаларимиз жуда соғиниб қолишди, иккинчидан, тўланмайдиган ойлигингиз ҳам «тўпланиб» қолди. Ҳеч йўқ шуни олиб кетгани келинг. Баҳонада Сизнинг гўзал чеҳрангизга бир тўйиб оламиз, устоз!

ИЖОДИЙ ЭРКИНЛИК САМАРАЛАРИ

Ўзбекистон республикаси санъат арбоби, ёзувчи, драматург
Абдуқаҳҳор Иброҳимовга

Ассалому алайкум, Абдуқаҳҳор ака! Сиз билан қачон ва қандай танишганимизни эслай оласизми? Сиртдан танишганимизга 35 йил, юзма-юз кўришганимизга эса чорак асрдан ошибди. Таржимаи ҳолингизга назар ташласам, мен илмий-тадқиқот иши билан шуғулланиб, газета-журналларга кетма-кет мақолалар юбораётган 70-йилларда Сиз ҳозир 50 ёши нишонланаётган «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» (ўша пайтда «Ўзбекистон маданияти» деб аталарди) газетаси, «Гулистон» журналида ишлардингиз. Демак, менинг мақолаларим кўлингиздан ўтган бўлса ажабмас. Лекин ҳақиқий юзма-юз танишувимизга ажойиб инсон, йирик адабиётшунос олим, менинг устозим Салоҳиддин Мамажонов сабаби бўлганди. Биз Салоҳиддин акани дарс ўтиш учун институтимизга таклиф этиб турардик. 1980 йили устозим ўзлари билан Сизни ҳам олиб келишди. Йўқ, дарс ўтиш учун эмас. Сиз у пайтда газетанинг бўлим мудири, анча танилиб қолган ҳикоянавис ва драматург эдингиз. Назаримда, вилоятимиз театри жамоаси билан яқиндан танишиш, янги пьесаларингизни шу ерда ҳам саҳналаштириш, газетага мақолалар уюштириш ниятида келгандингиз. Мен ўз оёғи билан келган бундай ижодкорларни индамай кузатиб юборадиган одам эмасман. Айниқса, устозим бирга олиб келган бўлса.

Дарҳол талабалар билан учрашув ташкил қилдим. Устозим С. Мамажонов Сизнинг ижодингиз тўғрисида сўзлаб бердилар. Драмаларингизнинг ўзига хос фазилатларини ўшанда англаб етгандим. Домлам зўр олим эдилар-да! Соддагина усулда, суҳбатлашиб ўтиргандек қилиб, мияга қуйиб кўя қолардилар. Талабаларимиз ҳам маза қилишарди. Дардан кейин орқасидан қолмай юришарди. Салоҳиддин акамнинг маърузасидан кейин ўзингиз сўзга чиқиб, айрим асарларингизнинг ёзилиш тарихи, унга туртки бўлган воқеалар, ижодий режаларингиз ҳақида гапириб бердингиз, талабаларнинг саволларига жавоб қайтардингиз. Учрашув жуда мароқли ўтди.

Бу пайтгача Сизнинг талай асарларингиз – «Қоя остида», «Сўнги нур», «Биринчи бўса» каби ҳикоя ва драмалар тўпламларингиз босилиб чиққан эди. Пойтахтдаги ва вилоятлардаги театрлар сахналарида узлуксиз намоёниш этилаётган «Бу замон ўғлони», «Арра», «Мени айтди, деманг», «Тўйдан олдин томоша» сингари сатирик комедияларингиз, 25 та ҳикоянгизни ўз ичига олган «Осмон яқин, ер юмшоқ» номли тўпламингиз билан анча танилиб қолгандингиз. Тез орада 6 та пьесангиздан иборат «Обо мне ни слова» деб аталган каттагина китобингиз Москвада рус тилида босилиб чиқди. Очиги, ўша йилларда ўзбек ёзувчилари орасида асари Москвада 15000 нусхада босилиб чиққани камдан-кам учрарди.

Устозимнинг таклифи ҳамда «Шарқ юлдузи» журналининг ўша пайтдаги бўлим мудир, дўстим Ортиқбой Абдуллаевнинг буюртмасига асосан Сизнинг «Осмон яқин, ер юмшоқ» ва «Обо мне ни слова» китобларингиз ҳақида тақриз тайёрладим. Мақола журналнинг 1983 йил 12-сонида «Инсонийлик моҳияти» сарлавҳаси остида босилиб чиқди. Шундан сўнг кўп ўтмай Сиздан янги йил табриги ва миннатдорчилик сўзлари битилган гулхат (откритка) олдим. Унда менинг бошимни осмонга етказадиган қуйидаги сўзлар бор эди: «Ҳурматли Йўлдошали! Янги йилингиз қутлуғ бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга тан сихатлик, узоқ умр, бахт-саодат тилайман. Тақризни ўқидим. Ташаккур. Кўпчилик яхши, деяпти. Анча чуқур таҳлил бўлибди, дегувчилар орасида «мана ман» деган олимлар ҳам бор. Хат ёзишиб турайлик. Дўстларга, Носиржонга ҳам салом айтинг. Салом билан: Абдуқаҳор. 23. 01. 1984.»

Шуниси муҳимки, 30 минг нусхада чоп этилган ҳикоялар тўпламингиз ҳам, 15 минглик пьесалар китобингиз ҳам ҳам жуда тез тарқалиб кетди. Бунинг сабаби Сиз уларда кундалик турмушимизнинг ғоят долзарб масалаларини қаламга олгансиз. Бу асарлар ўз даврининг маънавий-ахлоқий ҳаётидаги муҳим муаммолар, етишмовчиликлар, енгилнинг остидан, оғирнинг устидан ўтишга қўниқининг фожией оқибатларини изчил тадқиқ этишга бағишланган эди. Айрим одамлар табиатидаги худбинлик ва ўзи бўларчилик, бойлик орттиришга ружу қўйиш, халқнинг ташвиши ва ишларига бефарқ қараш иллатлари кескин танқид остига олинади. Жамият тизимида юз бераётган иллатларга барҳам бериш истаги ва иштиёқи Сизнинг талантингиздаги сатира ва юморга мойилликни юзага чиқарди.

Дадил айтиш мумкинки, ўтган асрнинг 60-йилларида Абдулла Қаҳҳор ижодида куртак ота бошлаган сатирик комедия шакли сизнинг драмаларингизда камолга етди. Сиз ёзган ўндан зиёд драмаларнинг саккизтаси ана шу йўналишда битилган сахна асарларидир. Бундай асарларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, кейинроқ трагикомедиялар деб атала бошланди. Бироқ совет даврида трагедия сўзини тилга олиб бўлмасди. Менимча, фожей асарларда шахснинг ўлиши шарт эмас, балки у интилган идеаллар, урф-одатлар ёки характеридаги, ҳатти-ҳаракатидаги ярамас қилиқлар ва иллатлар пировард натижада ҳалокатга олиб борса, кўпчилик уни қабул қилмаса, бундай асарлар ҳам фожей бўлиши мумкин. Ахир, сатира куйдирувчи кулгу-ку! Муаллиф сатира остига олган шахс ёки воқеликни инкор этади-ку! Тўғрими?

Хуллас, ўшандай асарларингизнинг ҳар бирида Сиз ўткир, ҳаётий муаммоларни шафқатсиз равишда фош этасиз, уларни ҳаёт саҳифасидан ўчириб ташлашни истайсиз. Сиртдан қараганда, ўша асарларингизга объект қилиб олинган воқеа-ҳодисалар, персонажлар унчалик муҳим эмасдек туйилади. Аммо улар моҳиятан шу қадар долзарб, шунчалик замонавий ва ҳаётийки, мана шу майда-чуйда бўлиб кўринган ҳодисалар, арзимасдек туйилган одамлар инсониятнинг олға силжишига жиддий тўсиқ бўлаётганини, агар улар ўз вақтида ўртадан кўтариб ташланмаса, даҳшатли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини англаб етамиз.

Албатта, социалистик жамиятнинг қитиқ парига тегадиган бундай пьесалар ўша пайтда пойтахт театрларида ошқора қўйилиб, минглаб тамошабинларга намоиш этилавермасди. Шунинг учун Сиз вилоят театрлари билан ижодий ҳамкорлик қилишга кўп уриндингиз. Бизнинг вилоят театримиз жамоаси 80-йиллардаёқ кучли санъаткорлардан таркиб топганди. Ўша йиллари театрда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Носиржон Отабоев бош режиссёрлик қиларди. Унинг бошчилигида театр жамоаси бутун мамлакатга машҳур бўлганди. Халқаро конкурсларда ҳам, Масковдаги кўрик-танловларда ҳам бир неча бор совринли ўринларни олган эди. Сизнинг «Чакана савдо» деб аталган икки пардали памфлет-драмангиз «Бир ўликка бир тирик» деган ном билан 1984 йилда сахналаштирилганди. Актёрлар ўзларига берилган ролни шу қадар иштиёқ ва маҳорат билан ўйнаган эдиларки! Бу ҳақда мен вилоят газетаси ва «Совет Ўзбекистони санъати» журналларида алоҳида ёзган ҳам эдим.

Пьеса номланиши биланоқ тамошабинларни ўзига жалб этди. Нега бир ўликка бир тирик? Жасадни жонли одамга ҳам алмаштирадиларми? Албатта, бундан аввал ҳам Сизнинг «Бу замон ўғлони», «Арра» каби драмаларингиз шу ерда саҳналаштирилган эди. Бироқ улардан ҳам кўра бу памфлет-драмангиз шаклан ҳам, мазмунан ҳам катта таассурот қолдирди. Чунки унда Сиз «ижтимоий тузум олим кашфиётидан қай йўсинда фойдаланиши, пул ҳукмрон бўлган муҳитда транспонтологиянинг олди-сотди воситасига айланиб» кетаётганини, ўзини дунёда энг инсонпарвар жамият деб билган тузумда «бир одамнинг бахти иккинчи бир одамнинг ҳалокати билан боғлиқ» бўлиб қолаётганини рамзий образлар мисолида акс эттирган эдингиз.

Қаранг, сиз бундан чорак аср муқаддам ўша мудҳиш жамиятнинг иллатларини ғоят зукколик билан фош этган экансиз. Ўзингиз қайд этганингиздек, сизни «XX асрда кишини чаканалаб сотиш-олиш хавфи»нинг туғилиши қаттиқ ташвишга солганди. Дунёнинг қаеридадир бу хавф даҳшатли ҳодисага айланаётган эди. Шунинг учун ҳам пьесада Сиз «қатнашувчиларни бирор миллатга хос исм билан эмас, балки XX асрда мудҳиш воқеалар содир бўлган айрим жойларнинг номлари билан» Хиросима, Нагасаки, Бухенвальд, Сонгми деб атайсиз. Инсоният бошига ёғилган ҳадсиз кулфатлар тимсоли бўлган бу шаҳарлар ва лагерлар гўё тирилиб, одамзодни ҳушёрликка чорлайди.

Жамият ва инсон манфаатларининг ўзаро мутаносиб ёки номутаносиблиги масаласини изчил тадқиқ этиш (совет даврида мабодо номутаносиб деб кўринг-чи эди, ўзингизни қаерда кўрардингиз экан?), бу ҳолатнинг туб моҳиятини очиш усулларини излаш Сизнинг ўзгармас ижодий принципингизга айланган эди. Сизнинг тасаввурингизда ҳақиқий инсон маънавий-ахлоқий томондан баркамол шахс бўлмоғи шарт. Шунинг учун ҳам 80-йилларда яратилган драмаларингизда кўпроқ маънавияти пуч, ахлоқи бузуқ кишилар сатирангиз тифига дучор бўларди. Масалан, «Арра», «Тўйдан олдин тамоша», «Мени айтди деманг!» каби сатирик комедияларингизда қаламга олинган мавзу ҳам, муаммо ҳам, қаҳрамонлар ҳам эскирмаслиги билан ҳайратга солади. Уларда моддий бойликка эга бўлиб борган сари маънавий томондан қашшоқлашиб, тобора тубанлашиб кетаётган кишилар заҳарханда кулги остига олинади. Бундайлар ҳозир камми, Абдуқаҳҳор ака?

Масалан, ўзингиз «Тўйдан олдин томоша» номли пресангизнинг асосий мақсадини шахс маънавиятини кўрсатиш деб белгилар

экансиз, автор изоҳида «инсон тўқ ва фаровон турмуш кечиргани билан маънавий баркамол шахс бўлиб қолавермайди» деб ёзасиз. Ўтган асрнинг 70-йилларидаёқ айрим одамлар тўйни кимошди савдоси ва бойиш воситасига айлантириб, маҳалла аҳли манфаатларига зид иш тутганлигини Зиё қори образи орқали кўрсатиб бергансиз. Во ажаб, Зиё қорилар кейинги ўн йилда шу қадар кўпайиб кетдики, тўйларни тартибга келтириш учун ҳукумат махсус қарор қабул қилишга мажбур бўлди. Қанийди, бу пьесаларингиз ҳозир ҳам саҳналарда намоёиш этилса, одамларнинг кўзи очилармиди?!

Абдуқаҳҳор ака! Мустақилликдан кейинги йилларда Сизнинг шахс сифатида ҳам, ижодкор сифатида ҳам янги қирраларингиз очилди. Юрагингизда узоқ йиллар яшириниб ётган, вулқондек отилишга вақт ва имконият излаётган миллатпарварлик, эркпарварлик туйғулари 90-йиллар арафасида отилиб чиқди. Шу йилларда жуда кўплаб публицистик мақолалар ёздингиз. «Туркистон япроқлари» номли ҳужжатли қисса яратдингиз. Бу публицистик мақолаларингиз учун «Йилнинг энг яхши журналисти» деган фахрий унвонга сазовор бўлдингиз. Қиссангиз эса, «Туркистон — умумий уйимиз» халқаро танловида ғолиб деб топилди. Бу асарлар Сизга катта обрў келтирди.

Сизнинг нечоғлик бой илмий-маррифий, тарихий-фалсафий билимлар заҳирасига эга эканлигингиз 5 фасл, 30 бобдан ташкил топган «Бизким, ўзбеклар» номли фундаменталь асарингизда яққол намоён бўлди. Бу китобда Сиз зийрак сиёсатшунос, зукко тарихчи, донишманд файласуф, эҳтиросли адабиётшунос, эҳтиёткор тилшунос, қалами ўткир журналист, услуби шакланган моҳир ёзувчи қиёфасида кўринасиз. Ажаб, муҳитнинг кенглиги ва қулайлиги истеъдодни шу қадар очиб юборар экан-а! Бу асарда қанчадан-қанча тарихий фактлар, воқеалар, шахслар, диншунослик тарихи ва бошқа турли соҳаларга оид кўпдан-кўп маълумотлар берилганки, уни муҳим илмий-тадқиқот деб аташ мумкин.

XX асрнинг охириги ўн йили Сиз учун жуда самарали бўлди. Юқорида тилга олинган асарларингиздан ташқари икки китобдан иборат «Уйқу келмас кечалар» номли роман ҳам ёздингиз. Уни насрий усулда яратилган янги «Муҳаббатнома» деб атасак бўлаверади. Асар қаҳрамони Фахри Камолнинг севгилиси Ёқутхонга йўллаган мактублари Хоразмий «Муҳаббатнома»сидаги Ошиқнинг машуқасига битилган номлари сингари ўзининг самимияти ва

садоқатининг устуворлиги билан дилларни ларзага солади. Аммо Ёқутхон улардан таъсирланармикан? Нима бўлганда ҳам бу романингиз эпистоляр нутқнинг XX асрда яратилган энг яхши намунаси бўлиб қолади.

Абдуқаҳҳор ака! 2002 йилнинг кузида учрашганимиздан буён бир-биримиздан хабар ололмай қолдик. Ўтган уч йил бекор кетмагандир? Янги асарлар ёзгандирсиз? Бироқ беҳабарман. Бир-биримизни йўқлаб турайлик. Ўртада кўнгил деган нозик элчи бор. У умрнинг шувиллаб ўтаётганидан, бу ёғимиздан у ёғимиз яқинлашиб келаётганидан, бир-биримизга ғанимат бўлиб қолаётганимиздан кун сайин огоҳлантириб турибди. Унинг айтганларига қулоқ солмаслик мумкин эмас. Ахир, ўзингиз ёзганингиздек, «Дунёда энг оғир иш — кўнгил узиш»дир. Илоҳим, бир-биримиздан кўнглимиз узилмасин, биродарлигимиз бузилмасин!

Кўришгунча саломат бўлинг!

АДАБИЁТИМИЗНИНГ ПЎЛАТ ЧАВАНДОЗИ

Ўзбекистон халқ ёзувчиси **Ўткир Қошимовга**

Ўткиржон! Кейинги ўн-ўн беш йил ичида ижодий фаолиятингиз хийла сусайиб қолгани сезилди. «Дафтар хошиясидаги битиклар»дан бошқа китоб чиқармадингиз, шекилли. Бу бир мухлисингиз ва дўстингиз сифатида мени ташвишга солмай қўймайди. Биламан чинакам ижодкор ҳар қандай шароитда ҳам ижод қилишдан, ёзишдан тўхтамайди. Эҳтимол, Сиз ҳам бирон йирикроқ асар ёзаётгандирсиз? Албатта, аввалги пайтлардагидек бемалолхўжа эмассизки, «Тушда кечган умрлар» романингиз сингари бир ой ичида ёзиб ташласангиз! Бўшаган пайтларингизда оз-моз ишласангиз ҳам худонинг куни кўп дейдилар, ниҳоясига етиб қолар. Лекин узо-оқ ўйлаб юриб, бир зарб билан ёзилган асарга нима етсин?! Ҳар ҳолда ўзингизни эҳтиёт қилинг. Сиз адабиётимиз учун, адабиётни севган, қадрлаган миллионлаб ўқувчиларингиз учун жуда керакли адибсиз.

Ахир, Сиз ўтган асрнинг 60-йиллари ўрталарида янгиланаётган ўзбек насрига лирик йўналишни олиб кирган, унинг оҳангининг ўқувчиларга маъқул бўлишига муносиб ҳисса қўшган адибсиз. Мен бу ерда насрни алоҳида ажратиб кўрсатганимдан ҳайрон бўлманг. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг ўзбек шеъриятида ҳам, насрида ҳам қандайдир дағаллик, баландпарвозлик, қуруқ шовдироқлик оҳанги устунлик қилаётган эди. Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Жамол Камол кабилар шеъриятда, Сиз, Шукур Холмирзаев, Учқун Назаровлар эса ҳикоя ва қиссаларингда лирик оҳангни кучайтириб, асарларнинг ўқимишлилигини оширдиларинг. Бу борада айниқса, Сизнинг хизматингизни алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Сиз талабалик йилларингиздаёқ «Чўл ҳавоси» деб аталган илк қиссангиз билан йирик сўз санъаткори Абдулла Қаҳҳорнинг юксак баҳосини олишга эришгансиз.

Биласиз, ўша 60-йилларда унча-мунча ёзувчилар бирон асарини эълон қилишдан олдин «Абдулла ака нима деркин?» деб ўйлаиб турарди. Чунки адабиётнинг атомдан кучли бўлишига хизмат қилмайдиган савияси паст асарларни ҳеч аямай орадан кўтариб ташлашга ҳаракат қилардилар (эҳ, ҳозирги кунларда нечоғлик ўрни билиняпти Абдулла аканинг!) Сизни эса бирон марта кўрмай, танимай, талаба эканингизни билиб тўриб шув қалар идиқ меҳр

билан хат йўллаганларки, бундай муносабатга лойиқ бўлиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Ўша хатда устоз адибимиз Сизнинг ижодингиздаги фазилатни жуда зукколик билан қайд этган эдилар: «Ўткир! «Чўл ҳаво»ни ўқиб суюниб кетдим. Бирдан лов этиб аланга билан бошланган ижоднинг келажаги порлоқ бўлади. Қисса жуда соф, самимий, илиқ, табиий, роҳат билан ўқилади. Шу аланга ҳеч қачон пасаймасин, ижодингиз ҳеч қачон тутамасин! Ҳурмат билан: *Абдулла Қаҳҳор*.» Бу сўзлар биринчи қиссангиз биланоқ ўзбек адабиётига лирик оҳангни олиб кирганлигингизни исботлайдиган далиллардир.

Лирик оҳанг бора-бора ижодингизнинг бош фазилатига айланди. Қисса ва романларингиз, ҳатто «Дафтар хошиясидаги битиклар»гача ана шундай оҳанг билан суғорилган. Масалан, «Икки эшик ораси» романингизни олиб кўрайлик. Унда фожиалар ниҳоятда мўл: воқеа Музаффарнинг онаси Раънонинг ўлими билан бошланади. Кейин етимча Музаффарнинг ўксик ҳаёти, отаси Шомурод, ўғай онаси Робиянинг кемтик қисматлари, Ориф оқсоқол, Қора амма, Комил табиб, Ҳусан думаларнинг изтиробга тўла турмуши, Мунавварнинг бевақт ўлими. Хуллас, яхшими-ёмонми, ҳар бир одамнинг бошига тушган кўргуликлар ўқувчи қалбини ларзага солади. Бироқ лирик оҳанг унинг руҳига енгиллик беради, бу — мураккаб ҳаётга неқбинлик билан қарашга ўргатади.

Ўткиржон! Сиз барча асарларингизда ана шу лирик оҳангни баланд пардада тутишга ҳаракат қиласиз. Қарийб ҳамма қисса ва романларингиз бадий тасвирнинг ажралмас қисми ҳисобланган пейзаж манзараси, асосий қаҳрамонлар ҳолати, кайфияти, тасаввурларини ифодалаш билан бошланади. Сиз бу услубни устоз адибимиз Ойбекдан ўргангансиз, деб ҳисоблайман. Биласизки, улуг санъаткорнинг «Қутлуг қон» романи саратон тасвири ва Йўлчининг ҳолати, «Навий» тарихи романи Ҳиротдаги «Гавҳаршодбегим» мадрасасининг умумий кўриниши ва ундаги толиби илмлар турмуши, «Олтин водийдан шабадалар» Ўктамнинг она қишлоғи қиёфаси ва бош қаҳрамон тасаввурлари, «Куёш қораймас» асари ўрмон манзараси ва жангчилар кайфияти, «Улуғ йўл» романи эса куз фасли тасвири, Оташ дукчининг оғир меҳнати, қалбидаги туганмас ташвишларини чизиш билан бошланади. Мана шу тасвирларнинг ўзидаёқ ёзувчи бутун асарнинг руҳини белгиловчи бош оҳангни аниқлаб олади.

Худди шундай хусусиятни Сизнинг ижодингизда ҳам кузатиш мумкин. Масалан, «Шамол эсаверади» қиссангиз Хирмонтёпа

қишлоғи, эрта баҳор тасвири, «Баҳор қайтмайди» асарингиз Бўстон қишлоғи ва куз фаслининг умумий манзараси, «Нур борки, соя бор» романингиз эса, Шерзод даволанаётган шифохона палатасининг кўриниши-ю, қишнинг охириги кунларини ифодалаш, «Тушда кечган умрлар» романингиз Рустамнинг охириги кундалигидан олинган ғоят таъсирчан куз кўринишларини тасвирлаш билан бошланади. Тўғри, уларда баъзи ранглар ва манзараларнинг бир хиллиги, айрим ибораларнинг айнан такрорланиши ҳам сезилади. Бироқ уларни синчков ўқувчиларгина топиши мумкин холос.

Асар бошида келтирганингиз бу лавҳалар кўпинча асар охирида ҳам такрорланади. Масалан, «Баҳор қайтмайди» қиссангиз бошида Алимардоннинг даҳшатли туши, унинг паст-баланд қоялар орасидан жарликка тушиб кетгани қисса охирида ўнгида рўй беради. Бу билан Сиз ўқувчига Алимардоннинг тушини бежиз киритмаганингизни ва бу психологик детал асар сюжетида изсиз қолмаганини англамоқчи бўласиз.

Ўткиржон! Сиз «Икки эшик ораси» ва «Тушда кечган умрлар» романларингиздаги айрим образлар билан ўзбек адабиётининг сўнги эллик йилда туғилган қаҳрамонлар галарейасини мутлақо янги, ўлмас характерлар билан бойитдингиз. Бошқаларини қўя турайлик-у, фақат Ориф оқсоқол билан комиссар Соат Ғаниевнигина олиб кўрайлик. Ориф оқсоқол том маънодаги ўзбекнинг отаси, бағри кенг, ҳар қандай вазиятда ҳам ўйлаб иш тутадиган, ўзини эмас, ўзгаларни ўйлайдиган донишманд одам. У менинг отамга ҳам, тоғамга ҳам, амакимга ҳам ўхшайверади. Нимасидир улардан олингандек. Ишонасизми, бир талабамизга Ориф оқсоқол образи талқини бўйича диплом иши бергандим, у оқсоқолнинг портретини чизиб келибди. Худди дадамга ўхшайди, денг. Келсангиз кўрасиз, кафедра деворига илиб қўйганман. Кирганлар «бу ким?» деб сўраб қолишса, ҳеч ўйланиб ўтирмай «отам» деб қўя қоламан.

Комиссар-чи? «Етмиш беш ёшда. Миллати йўқ. Сўққабош» бу киши бир қарашда инсонийлик фазилатларидан махрум, одам зотининг ашаддий душмани, ўзининг ваҳшиёна қилмишлари билан фахрланадиган аблах қиёфасида намоён бўлади. Унинг нутқи ҳам ўзига хос. Комиссар ўз нутқида алоҳида тоифага тегишли бўлган хусусиятларнигина эмас, балки инсонни менсимаган, ҳуқуқини камситган, номусини оёқ ости қилган ва бундан лаззатланган бутун бир жамиятнинг иллатларини мужассам ҳам этади. Комиссар

нутқида ишлатилган биргина «хех» элементи вазиятига қараб турлича маъноларни англатади. «Хех» бу сўз эмас, товушдир. Сиз персонажнинг характерини шакллантиришда тилнинг фонетик элементларидан ҳам унумли фойдалангансиз. Унинг «хех» дейиши Курбоной холага одамни майна қилгандек ғалати кулиш бўлиб туйилса, Рустамга калтакесакнинг совуқ чиқиллашига ўхшаб эшитилади.

Умуман, Комиссар бутун роман давомида 30 мартача «хех» элементини қўллайди. Шундан иккитаси кулги шаклида уч мартадан такрорланиб келади. Қолганлари бир мартадан кескин оҳангда айтилади ва ҳар сафар контекстга қараб янгича маъно касб этади. Шу биргина товуш элементининг ўзи бир неча сўздан иборат гап маъносини англатади, ўрнига қараб вазиятни кескинлаштиради. Ҳар сафар Комиссар характерининг янги қиррасини очади.

Ўткиржон! Сизга хат ёзиб ўтирибман-у, хаёлимда бундан 30 йиллар аввалги бўз йигитлик пайтимиз гавдаланади. Эсингиздами, сирдарёлик дўстимиз Акрамжон Каттабеков (Оллоҳ раҳматига олган бўлсин!) номзодлик диссертациясини ҳимоя қилганда туни билан ухламай, шаҳарни кезиб чиққанларимиз? Сиз ва мендан ташқари Абдуллажон Орипов, Рауф Парфи, Бегали Қосимов, Умрзоқ Ўлжабоев, Азимжон Раҳимов сингари ўнга яқин шоиру олимлар (Сизни ҳам шоирлар қаторига қўшганимга ажабланманг, Сиз яхшигина шоирсиз. Буни қисса ва романларингизда берилган шеърлар кўрсатиб турибди) пой-пиёда чақчақлашиб, қўшиқ айтишиб, аввал Қорақамишга – Бегалиникига бордик. Ярим кечада унинг оиласини безовта қилишдан хижолат ҳам чекмабмиз. Бунинг устига ўша куни 1,5-2 яшар қизчасининг қулоғи оғриб, азоб чекаётган экан, денг (буни кейин эшитдик-да!). Лекин ҳеч нарса бўлмагандек, дўстимизнинг рафиқаси Матлубахон дастурхон ёзди, овқат тайёрлади. Биз шоввозлар эса шеър ўқиш ва қўшиқ айтиш билан банд эдик.

Мана, ўша билимдон, дўст учун ҳеч нарсасини аямайдиган Бегали биродаримиз бугун орамизда йўқ. Аммо ундан хийла катта мерос қолди. Бу илмий мероснинг асосини миллий истиқлол ғояси ташкил этади. Зеро, Бегали Қосимов умрининг учдан икки қисмини мустақиллигимиз учун кураш олиб борган жадид боболаримиз фаолиятини тадқиқ этишга бағишлади. Ўзи ҳам ўша жадидлар сингари мўътабар зотга айланиб қолди. Оллоҳ раҳматига олган бўлсин!

Бегалиникидан чиқиб талабалар шаҳарчасига йўл олдик. Йўл-йўлакай фақат битта кўшиқни айтгардик. Яъни:

Оқ илон, оппоқ илон, ойдинда ётганинг қани?

Мен ёмондан айрилиб, яхшини топганинг қани?

Бу кўшиқ Сизнинг буюртмангиз бўйича айтиларди. Мабодо, бошқа кўшиққа ўтадиган бўлсак, «Эй, келинлар, «Оқ илон»ни айтайлик» дердингиз. Нега бу ашулага ёпишиб олганингизни кейинроқ билдим. Назаримда, ўша пайтда Сиз «Баҳор қайтмайди» қиссангизнинг тўлғоғида юрган экансиз, шекилли. Қиссани ўқиб билдимки, бу нола Анварнинг қалбидан Муқаддамга, Муқаддамнинг юрагидан Алимардонга қарата отилиб чиққан экан. Кейин бу кўшиқ «Икки эшик ораси» романингиздаги Робия ҳикояларига ҳам киритилди ва ҳақиқий муҳаббатнинг гимнига айланиб қолди. Асарларингизнинг руҳига сингиди, асосий оҳангини белгилади.

Ўтқиржон! Биз Сиз билан фахрланамиз. Чунки Сиз буюк сўз санъаткори Абдулла Қаҳҳор назари тушган, у кишидан табарруқ хат олган тўрт ёзувчининг бири, балки биринчисисиз. Ўша мактубда битилган истакни тўла амалга ошириб, яъни «лов этиб ёнган аланганинг тафти узоққа» боришини амалда исботлаб келаётган ёзувчисиз. Шундай рутбада қолишингизни жуда-жуда истаймиз.

Сизнинг Фарғонага келишингиз авваллари чинакам байрам бўлиб кетарди. Кейин эса иш юзасидан жимгина келиб кетадиган бўлиб қолдингиз. Биздек мухлисларингиз билан бироз суҳбатлашиш у ёқда турсин, ҳатто ров кўришишга ҳам вақтингиз тигиз бўлади. Эсингиздами, 2002 йилнинг кузида келганингиз? Шаҳардаги «Зиёрат» меҳмонхонасига жойлашганингизни эшитиб, аввало, Сизни зиёрат қилай (И-е, нега куласиз? Зиёрат қилиш фақат азизу авлиёларга хос холосми? Аслида ҳар бир истеъдодли ёзувчи ҳам авлиё ҳисобланади. Чунки халқига айтмоқчи бўлган сўзни Оллоҳ унинг кўнглига солиб туради дейдилар. Бу ҳақда ўзингиз ҳам «бадий ижод – кўнғил иши. Менинг эътиқод даражасига айланган шиорим бор: Худо кўнглига солмагунча, ёзувчи қўлига қалам олмайди» дегандингиз-ку!), вақти бемалол бўлса, талабалар билан учрашув ташкил қилай деган ниятда эрталаб бордим. Сиз билан бирга Иброҳим ака Фафуров ҳам келган эканлар. Кўришдик. Нонуштага таклиф қилувдим, вақт қаёқда? Марғилонда кутиб туришганини, у ердаги ишларни битиргач, Андижонга ўтишларингиз режалаштирилганини айтдингиз. На илож, озгина суҳбатлашдик-у, хайрлашдик.

2003 йилнинг сентябрь ойи, очигини айтсам, мен учун анча хайрли келди. Худо ёрлақаб, Сиз рафиқангиз Ўлмасхон билан Чимёнга дам олгани келган экансиз. Бунга менга Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимининг масъул котиби Энахон Сиддиқова айтиб қолди. Дарҳол Йўлдош Сулаймонов бошчилигида талантли ижодкорлар Алишер Ибодинов, Зухра Алиева, Энахонлар билан биргаликда етиб бордик. Соё бўйидаги сўлим чойхонада ўз қўлим билан палов дамладим. Аммо-лекин ошмисан-ош бўлибди-да (мақтаняпти деманг-у, ўзи қўлим жуда ширин-да!). Ахир, яхши дўстларнинг меҳри сингган ош бемаза бўлармиди, Ўткиржон, нима дедингиз? Биласиз, Йўлдош ака бор жойда давра қаҳқаҳага бой бўлади. У киши ўша кунлари анча бетоб эдилар, лекин Сизнинг келганингизни эшитиб, жон-жон деб бордилар. Ўзиям яйраб кетди-да, Йўлдош ака! Кетишда индамай кетган одам қайтишимизда шунақанги қувнаб, ҳазиллашиб келдиларки, асти қўяверасиз. Бу Сиз билан бўлган завқли суҳбатнинг натижаси эди.

Ўша кунги келишувимизга биноан 19 сентябр куни университетда талабалар билан учрашувингизни ташкил этдик. Учрашувни ўша пайтдаги ректоримиз профессор А. Ўриновнинг ўзи олиб борди. Анжуман бирам файзли, бирам қизиқарли ва мазмунли ўтдики! Сиз, айниқса, талабаларимизнинг чиқишларидан, берган саволларидан жуда хурсанд бўлдингиз. «Асарни яхши тушуниб, таҳлил қилишар экан» деб, биз эса Сизнинг шу гапингиздан суюндик, негаки ўша талабаларни биз ўқитяпмиз-да!

Хуллас, ўша куни Сизни университетимиздаги мен мудирлик қилаётган ўзбек адабиётшунослиги кафедрасининг фахрий профессорлигига қабул қилдик. Университет илмий Кенгашининг сентябрь ойидаги йиғилиши қарори билан бу таклиф расмийлаштириб ҳам қўйилди. Қарордан кўчирма обориб берганман-а? Энди, оғайни, Сиз мен мудирлик қилаётган кафедранинг аъзоси бўлдингиз, чақирган пайтимда келиб турасиз-да! Яна шуниси фахрлики, Сиз устозимиз Саид Аҳмад акадан кейин иккинчи фахрий профессорликка қабул қилинган ёзувчимиз ҳисобланасиз. Кўрдингизми, фақат зўр ёзувчиларни «ишга» оламан ҳолос

Ўткиржон! Борди-келдимиз, учрашувларимиз камайиб кетмасин, иложи борича, тез-тез учрашиб, суҳбатлашиб туришдан умидвор дўстингиз: Йўлдошали.

ЎСЎНМАГАН ШИДДАТ

Ўзбекистон Республикаси саноат арбоби,
шоир ва ёзувчи Омон Мухторга

Омонжон! Сиз билан танишганимизга ҳам ана-мана дегунча қирқ йилдан ошиб қолибди-я! Вақтнинг тез ўтишини қаранг. Ўша пайтда туғилган болалар неваралик бўлишди. Ўзимиз-чи? Бизнинг ҳаётимизда ҳам қанчадан-қанча яхши-ёмон ўзгаришлар рўй берди. Лекин ҳануз бир-биримиз билан кўришганимизда ўша беғубор, навқиронлик даврлардагидек хушчақчақ, кўтаринки кайфиятда гаплашамиз.

Ўша илк учрашувимизни эслайсизми? Ҳа-да, эсламай бўладими? 1966 йилнинг ёзи эди. Сиз газета муҳбири сифатида Фарғонага келгандингиз. Мен вилоят газетасида адабий ходим бўлиб ишлардим. Ўша куни адабиёт бўлимининг мудирини, биз – ёш ижодкорларнинг бошини доимо қовуштириб юрадиган устозимиз Йўлдош ака Сулаймонов Сизни уйига таклиф қилдилар. Албатта, ўзбекнинг одати бўйича меҳмон баҳона яна уч-тўрт киши таклиф этилади. Мендан ташқари журналистлар Эркин Отабоев, Тошқўзи Муллаевлар Сиз билан Йўлдош аканинг уйига кирдик. Мезмоннинг файзли дастурхони атрофида мушоира авжига чиқди. Энг кўп Сиздан шеър эшитдик. Бу табиий эди, чунки «Чорлар кўёшли йўллар» деб аталган биринчи шеърлар тўпламингиз ҳали бўёғи қурмай қўлимизга теккан, газета ва журналларда қатор-қатор шеърлари чиқаётган, тилга тушиб қолган шоир эдингиз.

Йўлдош аканинг ажойиб одати бор эди: «О, яхши! Яхши! Ўқинг, улуғим, ўқинг!» деб рағбатлантирар, Сиз эса илҳом билан гоҳ «Машраб исёни», гоҳ «Сўх қўшиғи» гоҳ «Миров» деган шеърларингизни ўқирдингиз. Йўлдош аканинг уйдан тунги соат 11 ларда чиқдик. Бизникига йўл олдик. Гўзал ва файзли шаҳримизнинг осойишта тунисидаги тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олдик, танамиз яйради, кайфиятимиз янада баландроқ парвоз қилди. Чунки бунақа пайтларда одам ўзини бироз қўйиб юборади. Йўл-йўлакай шеърхонликни давом эттирдик. Кўпроқ «Сўх қўшиғи»ни эшитишни истардик. Чунки бу шеър тунги сайрга, ўша лаҳзадаги хуш кайфиятимизга жуда мос эди:

Бир ўқ билан ўлмадим,
Икки ўқдан ўлмадим.

Во-вайло, во-вайло...
Тегар бўлса бир ўқ, икки ўқ,
Тоғлик учун ғам йўқ, ўлим йўқ.
Во-вайло, во-вайло.

Шеър чиндан ҳам қўшиқбоп эди, шунинг учун биз «Во-вайло, во-вайло» дея охирги сатрни такрорлаб, Сизга жўр бўлардик.

Одатда кулги билан бошланган дўстликнинг умри узоқ бўлади, дейишади донолар. Сиз ҳам буни билгандек, менга тақдим этган «Йиллар шамоли» деб аталган романингизга шунга яқин дастхат ёзган экансиз. Мана, ўша сўзлар: «Йўлдошали ака, кулишиб дўстлашган кишилар ҳеч қачон ажралишмасдир. Сизни қадрлаб: (имзо). 1977 йил 1 декабрь». Илоҳим, айтганингиз келсин.

Омонжон! Сизнинг «Оҳанг» номли шеърий тўпламингизда «Миров» сарлавҳали шеърингиз бор. Унга «Шундай фамилияли бир кишини кузатиб» дея изоҳ бергансиз. Ҳақиқатан ҳам Сўҳда Зайниддин Миров деган одам бўларди. Сиз уни танийсиз, ҳамсуҳбат бўлгансиз. Мен ҳам бу кишини яхши билардим. Вилоят газетасида ишлаб юрган йилларимда мен ёзувчи Шерали Тошматов мудирлик қиладиган қишлоқ хўжалиги бўлимида адабий ходим эдим. Зайниддин ака қишлоқ муҳбири сифатида бўлимга тез-тез келиб турарди. Жуда шахдам, қатъиятли, сергайрат, ҳеч нарсадан қайтмайдиган одам эди. Шерали ака бунақа одамларни жуда ёқтирар, уларнинг хизматидан унумли фойдаланарди. Зайниддин ака Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси бўлгани учун давлат томонидан берилган имтиёзлардан унумли фойдалана оларди. Хоҳлаган ташкилотга қўрқмасдан, дадил кириб бораверарди. Чиндан ҳам ўзингиз шеърда ишора қилганингиздек «Сукунатга бардоши йўқ» одам эди. Устозимиз Шерали Тошматов у келтирган кичкина хабарни ҳам икки соат мобайнида машинистка Раҳимахонга оғзаки айтиб туриб, газетанинг ярим саҳифасини эгаллайдиган ўтқир муаммоли мақола тайёрларди. Қарабсизки, газета жамоаси штатсиз муҳбирлар билан ишлашни яхши йўлга қўйган деб юқоридан раҳматнома келарди.

Зайниддин Миров деган муҳбирдан кўпчилик ташкилот раҳбарлари чўчиб туришарди. Сиз шеърингизда унинг характерига хос хусусиятларни тўғри ифодалагансиз.

Омонжон! Ўзингиз бир китобингизда «назмдан кўра кўпроқ насрда китобларим босилганига қарамай, шеърга нисбатан ҳеч қачон кўнглим совигани йўқ, ҳар гал соғиниб, янгидан унга

мурожаат қилиб турдим. Шеърни ўзимча яхши кўраман» деб ёзган эдингиз. Чунки шеър Сизнинг қалбингиздаги яширин туйғуларни, портловчи ҳисларни ифодалашга жуда қўл келади. Сиз ўзингиз сезасизми, йўқми, менга ҳар доим вужудингизда қандайдир бир вулқон шиддати бордек туйилади. Буни кўплаб шеърларингиздан билса ҳам бўлади. «Оҳанг» номли тўпламингизнинг биринчи бўлимини, 1990 йили нашр қилинган шеърингизни тўғридан-тўғри «Шиддат» деб атагансиз. Шу номда шеърингиз ҳам бор. Унда ёзишингизча:

Қонимда яшайди
Қирқ беш йилдан буён
Шиддатли бир ғалаён, сурон;
Ҳаловат йўқ жисмим, жонимда
Қирқ беш йилдан буён.

Бу шеърнинг ёзилганига ҳам йигирма йил бўлибди. Мана, 60 дан ошиб, пайғамбар ёшидан ўтган бўлсангиз-да, жисму жонингиздаги ўша шиддат, ғалаён, сурон сусайгани йўқ, ҳамон ҳаловат нималигини билмайсиз. Сўнгги 15 йил ичида жуда самарали ишладингиз – ўндан зиёд романлар ёздингиз (шеърлар, достонлар, ҳикоя ва қиссалар, мақолаларингиз бу ҳисобга қирмайди). Очигини айтганда, тенгдошларингиздан ҳали ҳеч ким бу қадар кўп ёзгани йўқ. Тўғри, адабий жамоатчилик уларнинг баъзиларини роман сифатида қабул қилгани йўқ (масалан, «Ффу», «Афлотун», «Аёллар салтанати» кабилар). Ҳатто «Ишқ аҳли» асарингиз ҳақида профессор С.Содиқ бу «Романми ёки рисолами («ЎзАС» 2004 йил 30 январь) деган савол билан мурожаат қилди. Назаримда, домла Сизнинг бу асарни давом эттириб, уч китобдан иборат «Буюк фаррош» трилогияси устида ишлаётганингиздан беҳабарга ўхшайди. Асар яхлит ҳолда нашр қилингандан кейин, олим унинг рисола эмас, роман эканлигини билиб олар деган умиддаман.

Ҳар ҳолда Сиз яратган бу асарлар истиқлол даври ўзбек адабиётининг ривожини янги босқичга кўтарилаётганлигидан, унинг ҳам мазмунан, ҳам шаклан янгилиниб бораётганлигидан дарак беради. Айниқса, «Минг бир қиёфа», «Кўзгу олдидаги одам», «Тепаликдаги хароба» кабилар сўнгги йиллар ўзбек романчилигининг энг яхши намуналари саналади. Уларнинг ҳар бирида Сизнинг эзгу ниятларингиз, юракдан сизиб чиққан дардларингиз, давр иллатлари, инсон ҳаётидаги мураккаб, аммо

ечилиши зарур бўлган муаммолар ўта рамзий тимсоллар, характерлар, эпизодлар орқали ифодаланadi. Уларни тушуниш, англаб етиш учун шу куннинг ўқувчиси ҳам дунёвий-фалсафий, ҳам диний-тасаввуфий билимдан хабардор бўлиши талаб этилади. Акс ҳолда у Валижону Сирож муаллимнинг («Кўзгу олдидаги одам»), Мирза Ғолиб («Тепаликдаги хароба»), Мулла Тошпўлату Тоштемир («Ффу»)ларнинг сурати ҳамда сийратини тушуниб олишга қийналади. Эҳтимол, уларнинг айримлари китобхонлар томонидан яхши қабул қилинмаётганлигининг сабаби шудир?

Назаримда, мустақиллик йилларида адибларга берилган ижод эркинлиги Сизнинг истеъдодингиздаги иккинчи яширин қатламни очиб юборгандек бўлди. Эсингиздами, бир галги суҳбатимизда Сиз «Отам раҳматли мадраса таълимини олган жуда катта мулла одам эдилар. Уйимизда эски китоблар ниҳоятда кўп бўларди. Дадам менга улар ҳақида кўп гапириб берар, мени ҳам эскичани ўрганишга ундардилар» девдингиз. Инсон барибир, бир кунмас - бир кун ўзлигига - Оллоҳ ҳузурига қайтар экан-да! Ваҳоланки, биз ниҳоятда кучли дахрийлик муҳити авж олган, динимиз йўқотилиш арафасига келиб қолган бир даврда ўсдик, ўқидик. Шунга қарамай, Ислом динининг нурли йўлларини изладик. Уни тезроқ англаб, кўпроқ маълумот олишимизга эса мустақиллик йилларида динимизга эркинлик берилгани катта имкониятлар яратди. Аввало оилада олган сабоқларингиз таъсири бўлса керак, асарларингиз қаҳрамонлари доимо покланиш сари борадилар. Ахир, Мирза Ғолиб тўқайзорда бўлса ҳам, тор сўқмоқ орқали қиблага қараб юриши бежиз эмас-да! Бу фикримни исботлаш учун Валижонни, Тоштемирни, Усмонларни ҳам мисол қилиб келтиришим мумкин.

Сиз билан гаплашиб қолганимизда, ижодий жараён ҳақида гап кетса, кўпинча «жуда бетартиб ишлайман-да! Бир пайтнинг ўзида бир неча асарни бошлаб қўйиб, гоҳ униси, гоҳ буниси билан овора бўлавераман. Баъзан биронтасига ҳам қўл ургим келмайди» деб зорланасиз. Э, Пушкин бўп кетинг-е, деб ҳазиллашаман. Бироқ, биласизми, аввало, бундай иш усули жуда қийин, кишини толиқтиради. Чунки бир неча асарнинг ҳар бирини алоҳида услуб, ўзига хос оҳангда тартиб билан тутиб туриш ва охирига етказиш жараёни қийин кечади. Қолаверса, фикр тарқоқлиги юз бериши, бир асарга мўлжалланган эпизод бошқасига ўтиб кетиши ҳам мумкин. Лекин қойил қолмиш керакки, улар мутлақо бир-бирига ўхшамайди. Сизнинг қарийб кейинги ўн беш йил ичида ёзган ўндан зиёд романларингиз ўқувчилар кўлига тегди. Бунинг орасида бир-

бирига ўшамайдиган қанча қисса-ю ҳикоялар, дostonу шеърлар, мақолалар ёздингиз. Кошки, бекорчи бўлсангиз! 75 йиллик тажриба-ю обрўга эга бўлган салоҳиятли журналимиз «Шарқ юлдузи»нинг таҳририй ва ташкилий ишлари ўзи қалашиб ётибди. Яқинда журнал обунаси ташвиши билан Фарғонага келганингизда «Буюк фаррош» номли трилогия-романингизнинг 2-китобини ёзиб тутатганингизни айтиб, мени хурсанд қилдингиз. Ўзи Сиз дам оласизми? Шунинг учун кичкина бўлиб юрасиз-да!

Ўша обуна масаласида келганингизда фарғоналик журналхонлардан ҳам, ҳокимиятдаги раҳбарлардан ҳам хийла ранжиб кетдингиз-а? Чиндан ҳам Фарғонада «Шарқ юлдузи» журналига ўз ихтиёри билан обуна бўлганлар жуда оз. Бизникилар негадир газета ҳам, журнал ҳам, китоб ҳам ўқимай қўйишди. Ҳокимиятга бориб учрашган одамимизнинг муомаласи-ю авзойидан сездингиз-ку! Жуда ширин сўзлик билан қўйнимизни пуч ёнғоққа тўлдириб чиқарди. Мана маънавиятга, илмга, адабиётга муносабат! Ўзингизнинг кўнглингиз ҳам совиб чиқди шекилли «барибир, обуна қилишмайди. Ҳар ҳолда олдиларидан бир ўтиб қўйдим-да!» дедингиз қандайдир тушкун бир кайфиятда. Лекин, биласизми, ўзларининг органи бўлган газеталарга ҳаммани мажбуран обуна қилдириш қўлларидан келади.

Ҳар ҳолда, дўстим, нима бўлганда ҳам шу журнал асраб қолиниши керак. Унга бош муҳаррир Омон Мухтор бўладими, бошқасими, барибир, бу журнал бошқаларга керак бўлмаганда ҳам Сизу бизга, зиёлиларга, қалам аҳлига жудаям зарур. Нима дедингиз? Ахир, ҳазилакамми, бу журнал 75 йиллик тарих ва тажрибага эга. У қанчадан-қанча адiblарни адабиёт даргоҳига олиб кирди ва бу муқаддас кошонада яшаб қолишига сабабчи бўлди. Менимча, ҳақиқий ижодкор учун ҳар қандай мансабу ихтимоий вазифадан кўра, бемалол ёзиш имконияти бўлгани маъқул. Ўйлайманки, энди ана шу вақтдан унумли фойдаланасиз ва режангиздаги янги асарларни ёзишга киришасиз. Ахир, Сизга ҳам бекор ўтириш сира ёқмайди-ку! Омон бўлинг, Омонжон!

ТАНИШ ЧЕХРАЛАР ВА МАНЗАРАЛАР

Ёзувчи Муроджон Мансуровга

Ассалому алайкум, Муроджон! Жимгина яшаб юриб ҳам ана-мана дегунча 60 дан ошиб, пайгамбар ёшига ҳам кириб қолибмиз. Сиз билан бизни ҳеч ким 60 ёшга кирибсан, табриклайман демади. Мен-ку ҳали бундай табриклар-у иззат-икромга лойиқ иш қилолганим йўқ. Чиқса илмий мақолаларим-у китобларим босилди холос. Сиз-чи? Ўнлаб ҳикоялар, юзга яқин жиддий мақолалар, очерклар, 5 та қисса, 4 та роман яратиб, эл оғзига тушиб қолган адибсиз. Шундай бўлса-да, 60 ёшингиз муносабати билан тантанали юбилей ёки кичикроқ йиғилиш ўтказиш у ёқда турсин, ҳатто дурустроқ мақола ҳам берилмади. Ёки берилган бўлса ҳам, менинг кўзим тушмадими? Сезишимча, Сиз бундай шон-шуҳратларга интилмайсиз ҳам. Жимгина, камтарона яшаб, «то қиёматга қадар қўлдан қўйилмай ўқиладиган ва орқангиздан узлуксиз дуоисавоблар юбориб туришга арзигулик бир азиз китоб ёзиш» орзусидасиз. Илоҳим, шу орзу-ниятингизни даргоҳида қабул қилсин.

Дўстим! Чамалаб кўрсам Сиз билан танишганимизга ҳам 40 йилдан ошибди. Ўшанда Сиз биз томонга ҳозирги «Ўзбекистон овози» газетаси (у пайтда бу газета «Қизил Ўзбекистон» деб аталарди, Фарғона вилояти бўйича доимий муҳбири бўлиб ишга келгандингиз. Мен эса вилоят «Коммуна» газетасида (ҳозир «Фарғона ҳақиқати» деб аталади) адабий ходим бўлиб ишлардим. Кунда - кун ора газета муҳарририятига кириб турардингиз. Биз, тенгдошлар, бир-биримиз билан тез тил топишдик. Мен ўшанда талантли ёзувчи Шерали Тошматов мудирлик қиладиган қишлоқ хўжалиги бўлимида ишлардим. Биласиз, Шерали ака қишлоқ хўжалиги муаммоларини, нимани қачон ёзиш ва энг муҳими, қандай ёзиш кераклигини жуда яхши биладиган, зийрак ҳамда гоят билимдон журналист эдилар. Сиз бу масалада Шерали акадан кўп маслаҳатлар олиб турардингиз.

Бир гал Шерали ака бизга «бу йигит жуда ишчан экан (одатда у киши «истеъдодли», «талантли», «моҳир» каби баландпарвоз сўзларни кўпам ишлатавермасди. Энг яхши кўрган ибораси «ишчан, тезоб, қалами яхши» деган сўзлар эди). Ҳали кўп яхши нарсалар ёзади. Омон бўлсак кўрамиз» дегандилар. Шерали ака ўшанда авлиёлик қилган эканлар. Сиз чиқарган «яхши нарсалар»ингизни у киши кўрмаган бўлса ҳам, мана, биз кўрдик.

Фарғонада беш йил яшаб ишладингиз-у, 50 йил яшагандек қадр топдингиз, ҳамма билан қадрдон бўлиб кетдингиз. Бормаган уйингиз, кирмаган уйингиз, учрашмаган, суҳбатлашмаган одамингиз қолмади, шекилли. Дастлабки ҳикоя ва қиссаларингиз ҳам шу ердан учирма бўлди. Айнан шу ерда ишлаб юрган йилларингизда ёзувчи бўлиб танилдингиз. Фарғонада кўрганларингиз, учрашганларингиз, олган бой таассуротларингиз Сизни каттароқ асарлар ёзишга ундаган бўлса ажабмас. Одатда, киши ўзи туғилиб-ўсган маконнинг табиатига, ўзига хос томонларига кўпам эътибор беравермайди. Ўзимники, доим ўзим билан бирга-ку деган кайфият бўлади шекилли-да! Аксинча, бошқа жойга борса, у ерларни ютоқиб томоша қилади, алоҳида манзараларни миясига михлаб олади. Ҳатто одамлар қандай кийиниб, қанақа юриши-ю ўтиришигача ўрганиб олади. Чунки кейин кўрадимиз-йўқми?

Буни айтаётганимнинг сабаби, Сизнинг иккита — «Мангу жанг» ва «Ғуноҳи азим» романларингизда ифодаланган қаҳрамонлар ҳам, воқеалар ҳам, замон ва макон ҳам тўласича Фарғонадан олинган. Ҳатто персонажларнинг исмларигача, айниқса, «Ғуноҳи азим» романингизни ўқиганимда «И-я, мана бу Фалончиев-ку! Анави воқеалар Н. районида бўлганди-я» деб ўтирдим. Ўша Толмозор ҳам, Бузрук ота ҳам, раис Муҳсин ҳам, галифе шимо куларнг кител кийган Аъзам бува ҳам (ҳатто унинг машинадан тушиб обком биносига кириб кетишигача) жуда таниш. Чунки мен уларнинг кўпини ўз кўзим билан кўрганман, кўрмаган ёки танимаганлар ҳам уларни аниқ тасаввур қила оладилар. Негаки, Сиз уларни жуда яхши ўргангансиз ва ишонарли чиза олгансиз.

Эсингиздами, Муроджон, 1967 йилда атоқли ёзувчимиз Абдулла Қаҳҳор 60 йиллик юбилеи муносабати билан Фарғонага келган, вилоят театри биносига тантанали йиғилиш бўлганди. Учрашувдан кейин икковимиз аввал Абдулла акани, кейин М.Горький бюстини ўртага олиб суратга тушгандик. Афсуски, улуғ устоз адибимиз А. Қаҳҳор билан бирга тушган ўша табаррук суратни излаб ҳеч қаердан тополмадим. Сизда борми, ишқилиб? Мен ўшанда Абдулла Қаҳҳорни биринчи марта кўришим эди. Лекин кўп ҳикоялари (айниқса «Ўғри», «Бошсиз одам», «Анор», «Бемор», «Адабиёт муаллими» кабилар) менга аллақачон ёд бўлиб кетган, талабалик йиллари пахта теримига чиққанимизда, давраларда уларни Қодир Махсумов бўлиб ўқиш билан танилиб қолгандим. Шундай зўр ёзувчини кўрармиканман деб орзу қилардим. Сиз туфайли бу ниятимга етдим. Чунки Сизнинг илк ҳикояларингиз устоз адиб назарига тушган ва у зотдан кўп маслаҳатлар олган экансиз-да!

Сиз Тошкентга кўчиб кетишингиздан икки йил олдин мен пединститутга ишга ўтдим. Илмий ишим сабабли Тошкентга келганимда гоҳо-гоҳо кўришиб турсак-да, доимий мулоқотда бўлолмадик. Сиз энди ка-а-тт-а ёзувчи бўлиб танилдингиз. Биринкетин қисса ва романларингиз билан ўқувчилар эътиборига тушдингиз. Романларингиз орасида менга, айниқса, «Мангу жанг» жуда ёқади. Ундаги воқеалар силсиласи, баён тўлқини, конфликтлар шиддати ниҳоятда ўзига хос. Сиз романда Бурхоннинг одам сифатида ўзини ва ўзлигини англаш жараёнини акс эттириш учун жуда қизиқарли, қулай ва ажойиб усул танлагансиз. Кексайиб, оғир дардга чалинган Бурхон чол мана ўн бир йилдирки, ич-этини еб, ўзининг кечаги ҳаётини, Бурхон тўқиснинг қилмишларини тафтиш қилади, руҳий азоблардан қутила олмайди. Одам, барибир, бир кунмас-бир куни ўзини кўзгуга солиб, савобу гуноҳ ишларини адолат тарозусида тортиб кўради, шекилли. Айниқса, касал бўлганида! Бу руҳий жараён асарингизда ниҳоятда ишонарли тасвирланган.

Докторлик ишимни тайёрлаётганимда ўзим тадқиқ этаётган бадиий нутқ муаммоси бўйича ушбу асарингизга мурожаат қилиб, шунга амин бўлдимки, бу роман бошдан-охиригача мунозара асосига қурилган экан. Асарнинг асосий қаҳрамонлари Бурхон тўқис билан Акбарали полвоннинг ўтган асрнинг 20-30-йилларидан то 50-йилларигача бир-бирига қарама-қарши ўтган фаолияти романингизнинг асосий ғоясини ташкил этади ва бу зиддият диалогларда ўзининг яққол ифодасини топган. Романдаги баҳс-диалог фақат Бурхон билан Акбар полвон ўртасидагина эмас, балки шартли равишда уч қиёфага бўлинган Сувратдаги Бурхон, Сийратдаги Бурхон ва бемор Бурхон чол ўртасида ҳам рўй беради. Бу баҳс-диалог роман воқеаларини ривожлантиришга туртки бериб, қаҳрамонларнинг ички ва ташқи қиёфасини чуқурроқ очишга кўмаклашади.

Маълумки, романи 1966 йилнинг 26 апрелида рўй берган даҳшатли зилзила тасвири билан бошлагансиз. Шу тасвир билан асарга қандайдир зиддиятли ҳолатни, тўлқинли қарама-қаршилиқни олиб киргансиз. Бу зилзила шиддати кейинчалик роман қаҳрамони Бурхон чол қалбига кўчади ва бу ҳолат асар охирига қадар сусаймайди.

Муроджон! Сиз романга жуда мос эпиграф танлагансиз: Бурхон тўқислик пайтида ҳеч кимга вафо қилмади, жафо қилди. Шунинг учун энди жазосини тортяпти. Оллоҳ унга ёшлигида қилган гуноҳлари учун тавба қилишга имкон берди. Шу боисдан невараси кураётган ёдгорликдан ўзининг қиёфасини олиб ташлашни сўради.

Чунки ўртага нон қўйиб садоқат ҳақида онт ичган Бурхон тўқис дўстликка хиёнат қилган эди. Энди жонсиз бўлса-да, Қодир партизан билан Акбар полвонлар ўртасида туришга юзи чидамайди.

Дўстим! Бугун романларингизни қайта ўқиб, шунга амин бўлдимки, Сиз динимиз камситилган, қатоғон қилинган 80-йилларда ҳам одам боласи Оллоҳ томонидан пешонасига ёзилган қисматини кўради деган исломий-маънавий ғояни асарга сингдиришга уринган экансиз. Бу кейинги романингизни «Ғуноҳи азим» деб номлашингизда ҳам сезилади.

Айниқса, «Жудолик диёри» деб номланган романингизнинг ҳозирча нашрдан чиққан икки китобида бу руҳ аниқ кўринади. Ҳатто асарга танланган эпиграфлар ҳам муборак Қуръони Карим оятлари ва Ғаззолий ҳазратларининг сўзларидан олинган. Дилогияда «Жудолик диёри, Армонлар диёри, Соғинлар диёри, Ватандаги ватансизларнинг унсиз фарёдлари»ни тасвирлаш бош мақсад қилиб олинган. Воқеликни ҳикоя қилиш Мақсуд (бу Сизнинг ўзингиз)га топширилади. Бу «мен» ҳикоячи шакли Сизга ўша давр воқеаларини тўғри баҳолаш, персонажлар ҳолати ва хатти-ҳаракатларини холис тасвирлаш имконини берган. Менга айниқса, романингиздаги Ҳозиктўра ҳазратлари билан Султонмурод жуда маъқул бўлди. Буни асарингизга яхшигина тақриз ёзган Ф.Карим ҳам тўғри қайд этган («Чигал тақдирлар». «ЎЗАС», 5.08.2005). Ҳозиктўранинг изтироблари, сарсон-саргардонлиги, юрт ишқида чеккан азобларини унинг прототипи бўлган Алихонтўра Соғуний домланинг «Туркистон қайғуси» номли асарини ўқигач, янада теранроқ ҳис қилдим. Романдаги барча персонажлар тарихий шахслар бўлиб, Сиз уларнинг жуда кўпчилигини яхши биласиз, уларни ўз кўзингиз билан кўргансиз, айримлари билан ҳамсухбат бўлгансиз. Шу боис асарингиз жуда ҳаётий, тасвирлар табиий чиққан.

Ҳа, асарнинг яшовчанлиги, китобхон қалбига яқинлиги биринчи галда диний-маърифий тафаккурда, имон-эътиқодда эканлигини энди англаб етйпмиз. Шу маънода Сизнинг романларингизни ўқиган бугунги китобхон ўзининг кечаги кунига разм солади, ғуноҳ-у савоб ишларини ҳисоб-китоб қилади. Барча асарларингиздан сизиб чиқадиган асосий хулоса ана шу – инсоннинг инсонлигини кўрсатувчи маънавий омиллар: эътиқод, садоқат, ҳалоллик, ростгўйлик, тўғрилиқ ва энг муҳими, Ватанга меҳр туйғуси каби фазилатлардир. Ўйлайманки, улар асарларингиз умрини ҳам узайтиради ва уларни ғоят ўқимишли қилади.

ГУРУНГ БАҲОНА

Ёзувчи ва драматург Машраб Бобоевга

Ҳурматли Машраб Бобоев! Ассалому алайкум!

Мана, қўлимда Сизнинг бешта пьесангизни ўз ичига олган «Қани менинг юлдузим?» деб номланган китобингиз. Бу китобингиз чиққунга қадар Сиз аллақачон шоир ва адиб сифатида танилиб, ўнга яқин китобларингиз нашр этилган эди. Ушбу тўпламга киритилган пьесаларингиз 70-йиллар охирида ёзилган. Агар йиллар асарларингизнинг тугалланишини ҳисобга олиб қўйилган бўлса, бошланганига 10-15 йиллар бўлгандир. Йилларни аниқлашга шунинг учун уриняпманки, айти шу драмаларингиз ёзилаётган пайтда республикамизда (нафақат Ўзбекистонда!) турғунлик қусури, қўшиб ёзишлар, кўзбўямачилик, алдамчилик, танқидни кўтара олмаслик, ошна-оғайнигарчилик, яхши, ишбилармон кадрларни чеканка қилиб туриш сингари талай касалликлар авжига чиққан эди. Ўша пайтдаёқ Сиз ўта курашчан қаҳрамонларингизни тамоша саҳнасига дадиллик билан олиб чиқиб жамият иллатларини дадил фош этгансиз. Уларда ўша давр дарди, бу дардларни вақтида даволаш учун малҳам излаётган чинакам ватанпарвар Шахс тимсоли балқиб турибди. Бу дардларни изҳор этишнинг таъсирчан йўллари ҳам (шаклини десам бошқачароқ маънога бурилиб кетадигандек туйилди) топгансиз. Бу йўлларнинг бири драмаларингизнинг ҳаммаси жиддий тортишув, баҳс, фалсафий гурунг асосига қурилганлигидадир. Аслида-ку, барча саҳна асарларининг бутун моҳияти персонажларнинг ўзаро гурунги — диалоги тарзида яратилади-я. Аммо бошқа драмалардаги «гурунг» - диалог билан Сизнинг қаҳрамонларингиз уюштирган **гурунг** ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Сиз **гурунглашиш** баҳонасида масаланинг моҳиятини очишга интилгансиз, асарда илгари сурилаётган асосий ғоя **гурунг** орқали ҳал этилади.

Умуман, гурунгга, баҳслашувга мойиллик Сизнинг ижодингизга хос бўлган асосий фазилатга айланиб қолган. Ахир, шеърый тўпламларингиздан бирини «Сўз», қисса ва ҳикояларингиздан ташкил топган яна бир китобингизни «**Гурунг**» деб бежиз номламагандирсиз? Сиз сўзга, сўзнинг қадрига алоҳида масъулият билан қарайсиз. Ўзингиз қайд этганингиздек:

Сўз айтгани келар дунёга инсон,
Ким яхши сўз айтар, ким эса — ёмон.

Сиз ёлгон-яшиқ сўзларни айтишни ўзингизга ор деб биласиз ва ўқувчингизга тақдим этилаётган сўзингизда «биронта ҳам ёлгон йўқ»лигига кафиллик берасиз. Зеро, асарларингизни ўқиган китобхонлар уларнинг ростлигига тўла ишонади.

Бешала драмангиздан тўрттасида («Қани менинг юлдузим?» да ҳарбий-ватанпарварлик мавзуси кўтарилган) жамиятимизнинг олға боришига ҳалақит бераётган, унинг поклигига заҳм етказётган иллатларга қарши ўт очгансиз. Аммо бу иллатлар ва улар унган вазиятлар бир хил эмас. Демак, тўқнашувлар ҳам, қутблар ҳам хилма-хил. Мана шу конфликтларни ечиш, тортишувчи томонларнинг руҳий ҳолатларини очиш усулларини излаш Сизга чуқур психологик драмалар яратиш имконини берган. Янгича йўлдан юришга интилиш ҳар доим ўзига хосликка олиб келади, анъанавий шакллардан дадил воз кечишни тақозо этади. Сиз бундан чўчимангансиз. Натижада драмаларингизда янгилик унсурлари кўпайган. Бу янгиликлар биринчи галда, асар учун танлаб олинган материалда, мазмунни янгича шаклда очишга уринишда, муаммони қўя билишда, конфликтнинг ранг-баранглигида кўринади. Фоявий мазмунни ўқувчи (тамошабин)га етказиш кўпроқ бош қаҳрамон зиммасига юкланади. Улар турли вазиятлар, ҳар хил тортишувлар ва жиддий маънавий тўқнашувларда ғолиб чиққанлигини ўзлари сўзлаб беришади. Тўғри, бу усул асарларингизда драматик тур талабларига хос ҳаракат ўрнига кўпроқ гапвозлик, сўзамоллик билан овора бўлиб қолиш қусурини келтириб чиқарганлигини айтмай иложим йўқ. Шунга қарамай, қаҳрамонларингиз томошабин-ўқувчи билан юзма-юз дардлашиш, очикчасига гаплашиш, баҳслашиш имконига эга бўлади.

Драмаларингизда асар қаҳрамонлари билан таништириш усули ҳам янгича. Тўғрироғи, улар ўқувчи-томошабинга ўзларини ўзлари тақдим этадилар, таништирадилар. Бундай таништирув усули гоҳ анкета саволларига жавоблар («Ўттиз ёшгилар»), гоҳ ўзи тўғрисида маълумот бериш («Ер томири»), гоҳ драмалардаги персонажларнинг суҳбати ва ҳаракатларига ҳалақит бермаган ҳолда, автор изоҳи («Қадам ранжида») тарзида амалга оширилади. Мана шуларнинг барчаси охир-оқибатда драмалар иштирокчиларининг ҳаётда, жамиятда тутган ўрни, одамлар учун зарурлиги масаласига боғланади. Бу билан Сиз драматик турга хос бўлган автор ремаркаси (изоҳи) нинг вазифаси ва кўламини бир қадар кенгайтирдигиз ҳамда драманинг имкониятлари нақадар кенг эканлигини амалда исботладингиз. Бунда, албатта, Сизнинг театр ва санъат

институтида олган назарий билимларингиз қўл келган бўлиши табиий. Сиз саҳна талабларини, унда нимани қачон, қандай ва қай тарзда айтиш зарурлигини яхши биласиз. Шу боисдан драмаларингизда воқеалар шиддат билан ривожланади, ҳаракатлар ўз ўрнида ва ишонарли рўй беради.

Сизнинг қаҳрамонларингиз ҳар доим ҳақ иш учун, эл-юрт манфаатини кўзлаб меҳнат қиладилар. Бу йўлда улар ҳеч нарсадан тап тортмайдилар, чунки «ҳақ одам ҳеч қачон енгилмас»лигига (Шавкат) ишонадилар. Мана шундай фазилатларига кўра Шавкат, Қилич, Саид Алиев («Ўттиз ёшлилар»), Бегимқул, Зебо, Нусрат («Ер томири»), Азамат, Хуррамқул, Абдували («Қадам ранжида»)лар бизга маъқул бўладилар. Мен тилга олган мана шу учта драмангизда мутелик, бўйсунувчанлик, мунофиқлик, интизомсизлик каби иллатларнинг илдизлари очилади, уларни қуритиш йўллари изланади, таклиф этилади. Шу жиҳатдан драмаларнинг адолат, ҳақиқат тантанасига қаттиқ ишонган етакчи қаҳрамонлари Шавкат, Бегимқул, Азамат, Абдувалилар кучли фош этувчи характерлар даражасига кўтарила олганлар. Зеро, улар курашган ва курашиб эришган ҳақиқат бизнинг ҳақиқатимиз, умумхалқ ҳақиқатидир.

Лекин пьесаларингизда шундай нобакор шахслар ҳам учрайдики, уларнинг ҳар бири ўз тушунчаларидаги мўрт ҳақиқатдан мустаҳкам истеҳком қуриб олганлар ва ўшани жон-жаҳдлари билан кўриқлашга уринадилар. Бироқ уддасидан чиқолмай талвасага тушадилар, жирракилик қиладилар. «Ўттиз ёшлилар»даги Музаффар, Тальят, «Қадам ранжида»даги Шоди, Орифхон, «Ер томири»даги Фафур Маллаев кабилар ана шундай шахслар тоифасидан ҳисобланадилар. Улар аслида замонавий манқуртлардир («манқурт» атамасини фақат кечаги кунини, ота-онасини унутган шахс сифатида тор тушунмаслик лозим), ҳар бири бойликка ҳирс қўйган, шахсий манфаати йўлида одамлардан қасд олишга аҳд қилган, яккахокимлик байроғини баланд кўтарган, эҳтиёжмандлик ва хотиржамлик психологияси ботқоғига ботиб қолган, ўз шахсини улуғлаган, аммо илдизи чирик, мана шундан талвасага тушган кишилардир.

Хуллас, драмаларингизда меҳрсиз, иқтидорсиз шифокор, тарбиясиз муаллим, ахлоқсиз ота ва болалар, ерни севмайдиган, уни ҳис этмайдиган «деҳқонлар» кескин фош этилади. Бу иллатларни очиб ташлашда фаол иштирок этувчи персонажлар билан биргаликда мавқеига қараб пассивроқ ҳаракат қилувчилар

ҳам бор. Масалан, «Қадам ранжида» деб аталган драмангизда асосий фош этувчи характерлар Азамат, Хуррамқул, Абдували акалардир. Агар Азамат билан Хуррамқуллар ўзларининг ҳаққоний сўзлари, айбнома нутқлари, жести ва мимикаси орқали Шодини, Орифхонни ҳамда уларни рўёбга чиқарган, астойдил кўллаб-қувватлаётган шароитни фош этсалар, Абдували ака юрагидаги минанинг портлаши билан фош этишга яқун ясайди. Драмада айтилмоқчи бўлган асосий гап шу минага бориб тақалгани учун ҳам, кейинчалик драманинг номини «Мина портлади» деб ўзгартирдингиз ва тўғри қилдингиз. Чунки ўзини гарчи зўр файласуф олим (аслида у олим ҳам, одам ҳам эмас!) деб тавсия этган Шоди бу ерга биринчи марта қадам ранжида қилаётгани йўқ. Эҳтимол, охиргиси ҳам эмасдир. Боз устига бу атама («Қадам ранжида»ни назарда тутяпман) драма марказига қўйилган зиддиятни биров сусайтириб қўярди. Мина эса ўқувчини хушёр тортиради, қизиқишини орттиради.

«Ер томири» деб номланган пьесангиз бошдан-охиригача мунозара шаклида яратилган. Шунинг учун бўлса керак, асарни ўзингиз ҳам иккинчи ном билан «Мунозара» деб атагансиз ва қаҳрамонларингиз ўз ҳақлигини исботлаш учун бутун умрини тортишув, мунозара, курашга бағишлаганликларига урғу бермоқчи бўлгансиз. Зеро, бусиз ҳаётнинг қизиғи ҳам йўқ-да, Машрабжон, нима дедингиз? Мунозара марказида ҳаётини Ер ва пахта сиз тасаввур қилолмайдиган, Ерни ўз ёри сингари севган, унинг томир уришини, нафас олишини, бутун ҳолати, кайфиятини тўла ҳис қила олувчи фидойи деҳқон Бегимқул туради. Сиз Бегимқулни айнан шунақа одамларимиз борлигидан фахрланиб, алоҳида меҳр билан яратгансиз. Шу боисдан бўлса керак, унга гард ҳам юқишини истамасиз, барча бало-қазолардан ҳимоя қиласиз, оғир вазиятга тушиб қолганига ачинасиз. Аммо Бегимқул суянган тоғлар залворли, мустаҳкам, бу Сизга ҳам, бизга ҳам, ўзига ҳам ишонч бағишлайди. У ғолиб чиқади ва биз қувонамиз. Айниқса, бугун! Ахир, бундан ўн-ўн беш йиллар муқаддам Бегимқулларга нечоғлик қийин бўлган?!

Аслида ҳам шу Бегимқуллар, Азамат, Абдували акалар, Саид Алиев сингари фидойи кишиларимиз бўлмаганида, курашмаганида эди, пахтачилик ва ҳўжаликни бошқариш ҳамда маънавий тақчиллик соҳасида фош этилаётган ҳозирги иллатлар нақадар чуқур бўларди! Яхшиям, бахтимизга мана шундай ватанпарвар пахтакорлар, зиёлилар, Акмал Умарович каби холис раҳбарлар

бор эди. Шулар об-ҳавони тозалаб турмаганларида Фафур Маллаевга ўхшаган бюрократ, ўзбилармон, ҳокими мутлақликни истовчи корчалонлар, Шодивой, Орифхон, Файрат, Султон сингари лоқайдлар жамиятнинг янада кўпроқ булганишига сабабчи бўлардилар.

Хуллас, Сиз ўша пайтдаёқ айрим онгли, халқларвар кишилар баҳоли қудрат курашган ва халқимизнинг маълум қатлами томонидан қўллаб-қувватланган, бироқ ниҳоясига етмаган, етиши мумкин ҳам бўлмаган ҳаётий масалаларни қаламга олгансиз. Уларни кучли тўқнашувлар, баҳс-мунозаралар асосида ёритиб бергансиз. Мана шу кураш майдонида ҳаракат қилаётган қаҳрамонларингиз фикрлаш доираси кенг, жамиятда эгаллаган ўрни аниқ, миқёси катта одамлардир. Зеро, уларнинг «муштдек юрагига жаҳон» жойлашади, ўзлари эса оламга сиймайдилар. Улар орзуси осмон каби бепоён, қалби Помир тоғларидан ҳам юксакроқ замондошларимиздир. Мана шундай одамларга чексиз меҳр кўрсатиш, уларни кўз қорачиғидек асраш зарурлиги асарларингиз мазмунининг ўқ томирини ташкил этади. Муҳими, бу туйғунгизни ўқувчи-томошабинга ҳам юқтира олгансиз.

Машрабжон! Биласизки, рўзғорда қорилган хамирдан турли хил нонлар (ширмай, патир, гижда, лочира, қатлама ва ҳоказо) тайёрланади. Сизнинг пьесаларингиздаги хамир (материал) — иқтидорсизлик, интизомсизлик, қўшиб ёзишларга қарши курашдан қорилган. Шу хамир-материалдан турли маҳсулотлар пиширган, лекин Сиздан қараганда уларнинг таъми, кўриниши ҳар хил. Масалан, «Ўттиз ёшлилар» шифокорлар доирасида, «Қадам ранжида» зиёлилар, савдогарлар ва оддий одамлар орасида, «Ер томири» қишлоқ хўжалиги мутахассислари ўртасидаги тўқнашувлар ҳақида боради. Лекин уларнинг ўз мақсадлари йўлида кўзлаган манзиллари бир хилдек таассурот қолади. Оқибатда драмаларингизда бир-бирига эмукдош персонажлар пайдо бўлганини ўзингиз ҳам сезмай қоласиз. Ҳа, Шавкат, Бегимқул, Абдувалилар бир томонда, Музаффар, Орифхон, Шоди, Файрат, Фафур Маллаевлар иккинчи томонда қайсидир фазилатлари ёки иллатлари билан бир-бирини эслатиб турадилар. Албатта, бу билан мен улар бир-бирларининг адабий нусхаси бўлиб қолган деган фикрдан йироқман. Лекин ҳар ҳолда, ҳар бири воқеалар тандирида тобига етказиб пиширилганида эди, айрим такрор ва ўхшашлик томонлар сезилмайроқ ўтиб кетарди.

Эътибор берган бўлсангиз, Машрабжон, мен юқорида «гапбозлик», «сўзамоллик» каби ибораларни ишлатгандим. Бунинг сабаби шундаки, аксар драмаларингизда вазиятнинг танланиши боисми ёки бошқа сабабданми, ишқилиб, персонажларингиз ҳаракат қилиш ўрнига кўпроқ гапириш билан овора бўладилар. Адабиётшунос С.Мамажоновнинг «Қадам ранжида» («Гурунг», кейинчалик «Мина портлади» деб атагансиз) асарингиз тўғрисида айтган қуйидаги фикри ҳам ўринли деб ҳисоблайман: «Машраб Бобоевнинг «Гурунг» («Мина портлади») пьесасида ҳам ҳамма нарсани бир нуқтага йўналтириш етишмайди: прозамизда учровчи бу иллат - ҳаётдаги камчиликларни воқеа ва характерлар орқали кўрсатиш ўрнига, фақат санаб кўрсатиш илллати бунда ҳам бор. Асарда гап кўпайиб, ҳаракат сусайган.» Прозамизга хос бўлган бундай қусур айниқса, «Қани менинг юлдузим?» пьесангизда аниқ сезилади. Унда ҳаракатдан кўра насрий изоҳлар, авторнинг аралашуви кўпайиб кетганлигини ўзингиз ҳам сезган бўлсангиз керакки, уни кейинроқ қиссага айлантиргансиз. Яхши қилгансиз, чунки драматик асар сахна учун ёзилар экан, бу пьесани аввало, ўйнаш, қолаверса, мазмунни томошабинга мукамал етказиш жуда мураккаб эди. У ўқувчида оғир таассурот ҳам қолдиради.

Шунингдек, персонажларингиздан кўпчилигининг адабийроқ сўзлашлари ҳам сезилиб туради. Яна улар кўпинча вақт билан ўрин-жой маъносини англаувчи «-ганча» ҳамда «-гунча» қўшимчаларининг фарқига бормайдилар. Масалан, Шоди «Сизларни хафа қилганча», Пошшо хола «Овқат пишганча бир-иккита уйни кўриб келай», Худойбердиев эса «Мен манави дорини топганча қанча адашдим, ахир» дейдиларки, бу гаплардаги «-ганча» қўшимчаси ўрнига ўзбек тили қоидаларига кўра «-гунча» ишлатилиши керак. Чунки бу қўшимчалар аслида персонажлар мақсад қилгандек вақт маъносини эмас, балки ўрин-жой, ҳолатни англаиб турибди. Дилбар эса оддийгина «бир йўла» ёки «бира тўла» деган халқ ибораларини қўллаш ўрнига «Бирдан болаларни олиб кела қолай» деб гапирадики, унинг бу сўзлари ҳам ўзбек тилининг грамматик қоидаларига тўғри келмайди. Негаки, бу ерда ишлатилган «бирдан» сўзи матнда «тўсатдан» деган маънони англатади.

Машрабжон! Сизни кўпроқ «шахси танлаган касбига тўғри келмайдиган одамлар» фожиаси, тақдири безовта қилар экан, илтимос, улар характери ва хатти-ҳаракатларида, айниқса, нутқидан ўзлигидан узоқлашиб кетмасин. Бу эса халққа бирмунча яқин бўлган

драматик асар учун жудаям зарур унсурдир. Чунки томошабин сахнада ҳаракат қилаётган қаҳрамоннинг сурати ва сийратида кўпинча ўзини кўради ҳамда кашф этади.

Кўриб турибсизки, мен пьесаларингизнинг мавзуси, материали, образлари таҳлили устида батафсил тўхталиб ўтирмадим. Бинобарин, ҳозирги билимдон, ўқимишли ва идрокли ўқувчига бунинг зарурияти ҳам йўқ деб ўйлайман. Драмаларингизнинг долзарблиги, яшовчанлиги, гоъвий ва бадий моҳияти тўғрисида уларда озгина таассурот ҳосил қилолган бўлсам, шунинг ўзи етарли. Қолганини ўзлари топиб олишар. Ахир, уларнинг фикрлашига ҳам ўрин қолдирайлик-да, нима дедингиз?

Сизга ижодий муваффақиятлар тилаб:

Дўстингиз

Изоҳ: Ушбу мақтуб 1988 йилда ёзилган ва «Шарқ юлдузи» журналининг шу йилги 11 сонида «Гурунглашиш баҳона ёки масаланинг моҳияти» сарлавҳаси остида босилиб чиққанди. «Қани менинг юлдузим?» номли китоби босилиб чиққан 1987 йилгача ҳам, кейин ҳам М.Бобоевнинг ўнга яқин шеърӣ ва насрий асарлари нашр қилинган. Кўплаб шеърлар, ҳикоя ва қиссалар, пьесалардан ташқари «Ирода», «Севги нидоси», «Кўнгл кўчалари» каби бир неча кўп серияли фильмлар учун сценарийлар ёзди. Уларнинг ҳар бирида адибнинг ўзига хос таланти яққол намоён бўлди. Унинг ижодий режалари кўп эди. Бироқ Машраб Бобоев кейинги йилларда кўп дард тортди, айниқса, балоғат ёшига етган ўғлининг бевақт вафотидан сўнг ўзини ўнглаб ололмади. Адиб ижоди роса шира боғлаган бир пайтда — 2003 йили, 62 ёшида оламдан ўтди. Оллоҳ раҳматига олган бўлсин!

ТАСОДИФГА ТАСАННО!

Журналист ва ёзувчи Нусрат Раҳматга

Нусратжон ёки Нусратулло (бизда исми тоқ айтмайдилар)! Биз Сиз билан 65 йиллик умримиз давомида атиги икки марта, шунда ҳам тасодифан учрашдик. Тасодифга тасанноки, уларнинг биринчиси бизни 33 йилга айирган бўлса, иккинчиси бир умрга ажралмас дўст қилиб қўйди. Тўғрими?

И-е, салом бермабман-ку! Ахир, халқимиз «Аввал салом...» деб бежиз айтмаган! Қанақа саломлашсам экан? Ўзингиз тасвирлаган «Тарғибот бўлимида Анваров деган ўттиз ёшлардаги хушқомат киши»га ўхшаб, қисқароқ қилиб «Салом!» деб қўя қолайми? Йўқ, буниси бизга тўғри келмайди. Шунинг учун...

Ассалому алайкум! Мени танидингизми? Мен эса, кечирасиз-у, Сизни дабдурустан таний олмадим. Мабодо, ёнимда шоира синглимиз Муҳаббат Иброҳим қизи бўлмаганида умуман эслай олмасдим. Муҳаббат «Йўлдош ака! Танидингизми? Самарқанд командасига капитан бўлган шу одам» деб шипшиди. Мен «Йўғ-е, бу ўшамми?» дедим. Ахир, 33 йил аввалги ҳусну тароват қани-ю, 65 ёшдаги тиришлар-у, хотира қаёқда?

Сизни қайта топиб олишга сабаб бўлган бу учрашувимиз 2005 йилнинг 28 ноябрь душанба куни рўй берганди. Биз Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдуллажон Ориповнинг розилиги, вилоятимиз бўлимининг масъул котиби Энахон Сиддиқованинг ташаббуси билан Бухорои шарифда Фарғона адабиёти кунларини ўтказиб, энди «сайқали рўйи замин» бўлган Самарқанд шаҳрига келгандик. Бизни (13 нафар ижодкор) вилоятингиз бўлимининг масъул котиби Ориф Ҳожи, шоира Хосият Бобомуродова, Сиз ва яна бир неча қалам аҳли кутиб олгандингизлар.

Бу жуда яхши тадбир бўлди-да, Нусратжон! Шунақа бордикелдини одат тусига киритиш, яхши анъанага айлантириш керак, деб ўйлайман. Ахир, ҳозир ҳар бир вилоятда катта адабий муҳит шаклланган. Илгаригидек пойтахт Тошкент билан боғланиб қолаётгани йўқ. Ўзларида ташкил этилган нашриётларда қанчадан-қанча китобларни чиқариб «гуллаб» ётишибди. Фақат бу китоблар ўша вилоятдан ташқарига парвоз қилолмаяпти, холос. Бизнинг ташрифимиз икки томонлама фойдали бўлди: ҳам Бухоро-ю Самарқандни зиёрат қилиб, бу муқаддас шаҳарлардаги талай қаламкашлар билан танишдик, китобларидан олиб келдик. Ҳам

Ўзимизнинг ижодимиз бўйича ҳисобот бериб, намуналар қолдирдик.

Мана, қўлимда Сиз туҳфа қилган асарларингиздан «Мен мухбирман», «Бунга ҳаёт дебдилар» (икки китобдан иборат), «Асқад Мухтор дедилар...» кабилар. Булар кейинги тўрт-беш йилда нашр этилганлари холос. Аслида Сиз ҳозиргача 30 га яқин китоблар чиқаргансиз. Улар очерклар, публицистик мақолалар, ҳажвиялар, қисса ва романлардан иборат. Камроқ бўлгани учун шеърларингизни қўшмаганимга хафа бўлманг. Келинг, асарларингиз тўғрисида фикр юритишдан олдин илк танишувимизни эсга олайлик.

1973 йилнинг апрель ойи эди. Мен Фарғона Давлат педагогика институтининг ўзбек адабиёти кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлардим. Номзодлик диссертацияси устида ишлаётган пайтим. Бош қашлашга қўлим тегмайди-ю, мени вилоят командасига сардор (капитан) қилиб қўйишибди. Биласиз, ўша йиллари республика телевидениеси турли мавзуларда вилоятларга кўрик-танловлар ўтказарди. Шулардан бири «Зеҳн» деб аталган бўлиб, ёшларнинг зийрак, етук, ҳимматли, нафосатли эканлигини синаш учун ташкил этилганди. Кўрик-танловга тайёргарлик йил бошидан бошланди. Мен эса ўша йилнинг январидан диссертациямни якунлаш ниятида бир йиллик илмий таътилга чиққандим. Командани шакллантириб, «Ким капитан бўлади?» деган савол қўйилганда вилоят газетасининг бўлим мудири, ташкилий қўмита арзоси, мени яхши билган ва ҳар доим ҳажвий асарлар ёзишга рағбатлантириб келган устозимиз Йўлдош ака Сулаймонов (Сиз у кишини яхши танийсиз-а? Оллоҳ раҳматига олган бўлсин!) «капитанликни Йўлдошалидан бошқа одам эплолмайди» деб туриб олибди. Бошқаларни таклиф қилишса ҳам, синаб кўришса ҳам унамабди. Мен эса Тошкентдаман, эртадан кечгача кутубхонадан чиқмай ишлаб ўтираман. Команданинг тайёргарлик кўришида қатнашмаганим учун ўша пайтдаги обком котиби бўлган опа мени институтдан ҳайдатмоқчи, ҳатто вилоятдан бадарға қилмоқчи ҳам бўлган экан.

Хуллас, мен команда Тошкентга келгандан кейин икки-уч кун бирга бўлдим холос. Сиртдан унамаганим билан, барибир, Йўлдош аканинг юзи-ҳурмати, ишончини оқлаш учун зимдан астойдил тайёргарлик кўриб юрдим. Эслайсизми, тайёргарлик ҳам, кўрсатув ҳам «Баҳор» концерт зали биносида ўтказилганди. Унинг яқинида республика Фанлар академиясининг Абдулла Тўқай номидаги асосий кутубхонаси жойлашган бўлиб, мен ўша ерда ишлардим.

Орада бир неча марта Сизлар тайёргарлик кўраётган залга кириб «шпионлик» ҳам қилганман. Команда билан кам бўлганим учун мени ҳеч ким танимасди.

Шундай қилиб, биз Сиз билан биринчи бор саҳнада кўришдик. Танловда икки очко фарқ билан биз ғолиб чиқдик. Ўша икки очкони командамизга Сиз билан курашда мен олиб бергандим. Эслайсизми, Нусратжон, нималар деганимизни? Бизни саҳнага таклиф қилган суҳандон Насиба Иброҳимова икковимизнинг ўртамизда туриб, аввал шартларни эълон қилди. Кейин соф Тошкентча талаффуз билан «чўнчакларизда нима бор? Чиқаринглар!» деди. Икковимиз ҳам бараварига ручка чиқарибмиз. Чунки ручка Сизга ҳам, менга ҳам қадрдон дўст, асосий иш куролимиз эди-да! Шунда Насибaxon ҳар иккаламиздан ручкага таъриф беришимизни сўради. Мен навбатни ҳурмат билан Сизга бердим. Тўғриси, дўстим, бу ҳурмат заминида озгина қитмирлик ҳам бор эди: қани, рақибим нима деркин? Шунга қараб жавоб айтаман. Биласиз, биз, фарғоналиклар, аскиячи бўламиз, бадиҳатан жавоб айтиш қобилиятимиз бор.

Мен навбат берганимдан Сиз хурсанд бўлиб кетдингиз шекилли, кўшиқ айтиб юбордингиз:

Қошинга текизмагил қаламни, ёр-е,

Бир ҳарф ила бузмагил рақамни.

Залдагилар кўшиқни яхши кутиб олишди, чапак чалишди. Лекин мен «Э, дўстим! Гап қалам ҳақида эмас, ручка тўғрисида бўлиши керак. Ручкани қошга текизмайдилар!» дедим (ичимда) ва ўзимнинг таърифимни бошладим:

«Ручкалар турлича бўлгани сингари унинг таърифи ҳам ҳар хилдир. Шулардан айримлари: 1. Бюрократ раҳбар: Ручкам - столимнинг безаги! 2. Журналист: Ручкам - гонорарим манбаи (Сизнинг журналист эканлигингизни мутлақо билмаганман)! 3. Лоқайд студент: Ручка - яраб бергин ҳеч бўлмаса битта учга! 4. Мен ўзим: Ручка кўзгуга ўхшайди. У эгасининг қандайлигини кўрсатади.» Зал қарсақлар-у қаҳ-қаҳадан ларзага келди-ёв! Бу ерда ўтирганларнинг аксарияти талабалар эди, уларга менинг таърифларим жуда ёқиб тушди. Сиз менинг жавобларим хийла мантиқли бўлганини сездингиз шекилли, яна навбат олдингиз ва бу гал шоиримиз Эркин Воҳидовнинг перо ҳақидаги тўртлигини ўқидингиз.

Кейин навбат тилаклар билдиришга келди. Сиз кўтаринки оҳангда фарғоналик дўстларингизга сиҳат-саломатлик, омад тиладингиз. Мен ҳам шунақа деб қўйсам бўлаверарди. Йўқ, яна бир шумлигим тутди-да, дедим: «Ҳозир командаларимиз тўплаган

очколар тенг - жанговар дуранг. Қайси биримиз ютишимиз номаълум. Тилагим: ютсангиз - ховлиқиб кетманг, ютқизсангиз - руҳингиз тушмасин. Чунки ҳар иккаласи ҳам адашишга олиб келади. Тагин жойингизга борганда янглишиб, эчкига гўшт, мушукка беда ташлаб юрманг!»

Энди зал ўрнидан туриб кетди. Айтишларича, ҳакамлар ҳайъатининг раиси Эркин Юсупов домла қаҳ-қаҳ уриб кулганича столнинг тагига кириб кетганмиш. Фарғоналик ишқибозлар, команدامиз аъзолари саҳнага чиқишиб, мени кўтар-кўтар қила бошладилар. Ахир, улар бунчалик бўлишини кутишмаган, мени яхши билишмасди-да! Аслида бундай танлов-қўрсатувлар яхши ният билан ташкил этиларди-ю, бироқ оқибати хайрли бўлмасди. Нафақат командалар, ҳатто вилоятларнинг орасидан ҳам оламушук ўтиб қоларди. Мафкуравий тазйиқ Сизу бизни хийла худбин қилиб тарбиялаб қўйган экан. Шу-шу, биз 33 йил кўришмадик, лоақал бир-биримизни йўқлаш у ёқда турсин, эслаб ҳам қўймадик. Ваҳоланки, касбимиз ҳам, эътиқодимиз ҳам, интилишимиз ҳам бир-бирига жуда яқин экан.

Нусратжон! Сизнинг асарларингизни ўқиб чиқдим ва мухбирликдан чиққан ёзувчининг хийла маҳорат поғонасига кўтарилганига ишонч ҳосил қилдим. Айниқса, 30 та ҳикоядан ташкил топган ва фахр билан «Мен - мухбирман!» деб ҳайқирган иссангиз менда яхши таассурот қолдирди. Чунки унда ўттиз йиллар мобайнида ўзингиз кўрган, билган, бошингиздан кечирган воқеа-ҳодисалар ҳақида ҳикоя қиласиз. Вақт ўтгани сайин эскиргандек кўринган ҳодисаларга бугуннинг кўзи билан қарайсиз, муҳокама қиласиз, йўл қўйган хато ва камчиликларни ҳам яширмайсиз. Ҳикояларда, энг аввало, ҳақиқатгўй журналист муносабати, ҳақиқатни ҳимоя қилиш, инсонни авайлаш истаги устун туради. Гарчи ўзингиз бу асар журналист бўлишни орзу қилганларга қўлланма бўлолмайди, деган бўлсангиз ҳам мен кафедрада ўқитиладиган «Матбуот жанрлари» мавзусидаги танланма фан адабиётлари рўйхатига киритиб қўйдим. Гарчи биз ўзбек филологияси йўналиши бўйича мутахассислар тайёрласак-да, онда-сонда яхшигина журналистлар ҳам етиштириб турамиз. Шуни ҳисобга олиб, бизда матбуот тили ва жанрлари ҳақида махсус фанлар ўқитилишини йўлга қўйганмиз. Журналистикага қизиқадиган талабаларни танлаб олиб, газеталар муҳарририятида амалиёт дарсларини ташкил қиламиз. Худо хоҳласа, бир келиб қолганингизда Сизни журналист бўлишни орзу қилган талабаларимиз билан учраштираман.

«Буни ҳаёт дебдилар ёки ўғлим Улуғбекнинг кундалиги» номли асарингиз эса, очигини айтсам, биродар, «роман» деган атамани кўтара олмайди. Келинг, бу мўъжизакор жанрни ҳар қандай асарга нисбат бериб қийнамай қўя қолайлик. Ҳозир ким шапалоқдай нарса ёзса, уни роман деб номлаб, мақтанишни истаб қолди, шекилли. Сиз романнинг юки оғирлигини яхши тушунасиз деб ўйлайман. Мен Сизга роман жанрига хос асар қанақа бўлиши шартлиги тўғрисида назариядан гап сўқиб ўтирмай-да, шу асарингизда жанр талабларига жавоб беролмайдиган иккита камчиликка тўхталиб ўтай, майлими? **Биринчидан.** Роман гарчи ҳаётдаги икир-чикирларни ифодалашга мойил жанр бўлса ҳам, майдагапликни ёқтирмайди. Ҳикоячи ўғлингиз эса, айрим ўринларда шу қадар майдагаплик қилади, шунақанги сўкинадики, ўқувчи хижолат тортиб кетади. Тан олиш керак, 1 китобда Улуғбекнинг 17 ёшигача бўлган гўдак ва ўсмир дунёси Сизнинг нигоҳингиз орқали анча ишонарли тасвирланган. Аммо ветеринария факультетининг талабаси бўлган Улуғбек оғзига келганини қайтармайди. **Иккинчидан.** Кундалик бу романбоп муаммони саҳифама-саҳифа чуқурлаштириб, зиддиятларни кучайтириб боришнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Улуғбекнинг кундалигида эса ягона муаммони ҳам, кескин зиддиятни ҳам кўрмадим. Унда кўтарилган масалалар ягона ипга тизилмаган. Сиртдан қараганда, «Мен мухбирман» номли китобингиздаги мустақил ҳикояларга ўхшаб қолибди. Ваҳоланки, ундаги ҳикояларни ягона мақсад ва гоя бирлаштириб турарди. Бунда эса ҳикоячи Улуғбек фақат ахборот берувчи ва кузатувчи бўлиб қолгандек кўринди. Сиз Ўткир Ҳошимовнинг «Тушда кечган умрлар» романини ўқигансиз, албатта. Ана унда Рустамнинг кундалиги зиммасидаги юкнинг залворини ҳис қилгандирсиз?

Дўстим! Ҳар иккала асарингизда ҳам сўз қўллашдаги эътиборсизлигингиз мени бироз ранжитди. Сиз айрим сўзларнинг усти ялтироқлигига маҳлиё бўлиб, маъносига эътибор бермай қўллайверасиз. Натижада, зийрак ўқувчи ўша жумладан Сиз кутган маънони тополмай ҳайрон бўлади. Масалан, «Мен мухбирман» китобингизнинг 113 бетида зилзиладан Вобкентдаги «миноранинг бирор гишгига ҳам **зарофат** етмабди-я!» деб ёзасиз. «Зарофат» сўзини қўлашдан олдин луғат кўрмабсиз-да! «Зарофат - а. Зарифлик, хуштаъблик, мулойимлик» (Навоий асарлари учун қисқача луғат. Т., «Фан» 1993. 98-бет) деган маъноларни англлатишини билганингизда, ишончим комилки, бу ерда ишлатмаган бўлардингиз. Бундай ўринсиз ишлатилган сўзлар, афсуски, ҳар

иккала асарингизда ҳам кўп учрайди. Айниқса, «ноўнғай, нақадар ноўнғайлик, пешвоз оладилар (аслида «пешвоз чиқадилар»), зоҳирий зармастлиги, сармаст, сарбаланд («сар» сўзи менимча, тожик тилида «бош» деган маънони англатади, шекилли-а? Энди «бошбаланд, бошмаст» деб кўринг-чи!), серҳаловат орзулар, ҳудудсиз меҳр, беҳудуд газаб, тутчазор, ширинбозлик қилишди, сарафроз бўлиб» сингари сўзлар шу қадар кўп такрорланадики, улар ўзи хизмат қилаётган фикрни, манзарани бойитмайди ёки аниқ кўрсатмайди. Мен бу ердаги ҳар бир иборанинг маъносини изоҳлаб ўтиришни ортиқча билдим. Эҳтимол, бу сўзлар Самарқанд шеvasида қўлланилар? Ундай бўлса, уларни персонажлар нутқида ишлатганингизда мен лом-мим демасдим. Афсуски, ушбу сўзлар Сиз - муҳбир, журналистдан чиққан ёзувчи ва ҳикоячи талаба Улуғбек нутқида учрайди.

Бу гапларни мен Сизга ҳаддим сиғиб айтяпман. Тағин «бор-ўғи икки марта учрашдик холос-у, менга шунчалик ақл ўргатишга нима ҳақинг бор?» деб ранжимай туринг. Халқимизда «Дўст ачитиб гапиради», «От тепкисини от кўтаради» деган мақоллар бор. Яна шунинг учун ҳам ҳаддим сиғдики, таржимаи ҳолимизда ҳам, иш фаолиятимизда ҳам, оилавий турмушимизда ҳам ўхшаш томонларимиз кўп экан. Мен ҳам институтни тамомлаб, ишни журналистликдан бошлаганман. Вилоят газетасида тўрт йил ишлагач, кейин илмий соҳага ўтганман. Ҳанузгача матбуот билан ошноман. Икқовимизнинг ҳам уч ўғил, иккитадан қизимиз бор экан. Буни қарангки, Сизнинг биринчи фарзандингиз Улуғбек менинг катта ўғлим Музаффардан атиги 357 кунлик кичик экан! Шу соҳада Сиздан озгина ўзиб кетибман.

Нусратжон! Тан олишим керакки, «Асқад Мухтор дедилар...» деб аталган мўъжазгина китобчангиз менга жуда маъқул бўлди. Адабиётшунос сифатида ундан кўп маълумот олдим. Ўзим Асқад акани жуда яхши кўраман. Китобингиздаги УСТОЗГА БЎЛГАН ШОГИРДЛИК МЕҲРИНГИЗ муҳаббатимга олов ёқди. Ниҳоятда донишманд ва сермаҳсул адиб эди раҳматлик! Улуғ санъаткорнинг ижод, ҳаёт, ахлоқ ҳақида айтган фикрларини жамлаб савоб иш қилибсиз. Улар менинг XX аср ўзбек адабиёти фанидан ўқийдиган маърузаларимни бойитишга катта ёрдам беради. Бунинг учун Сизга ҳудудсиз (ўзингизнинг суюкли сўзларингиздан) раҳмат!

Ўзингиз айтганингиздек, 60 дан ошиб, «кучга, тажрибага тўлган, айна ижод қиладиган палла»га кирдингиз. Сиздан янги ва гўзал асарлар кутиб қоламиз. Яхши кунларда кўришгунча саломат бўлинг, дўстим!

ОЛИС ТАРИХНИНГ ИЛИҚ НУРЛАРИ

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алига

Ассалому алайкум, Муҳаммадали!

Ушбу мактубимни бошладим-у, хаёлимга не-не воқеалар келди. Қайси биридан бошласам экан? Ҳа, «увлахлик» қилганимиздан бошлай қолай-а? Нима дедингиз?

80-йилларнинг ўрталари бўлса керак, Сиз бир гуруҳ дўстлар билан водийга келдингиз. Дастлаб туғилган қишлоғингиз Бўз туманидаги Бешгул (бу – Сиз қўйган ном, аслида сал бошқачароқ шекилли-а, тўғрими?) ни зиёрат қилиб, кейин шоир дўстингиз Тўлан Низомни ҳам бирга олиб, Фарғонага келдингиз. Адашмасам, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасига янги бош муҳаррир этиб тайинланган Аҳмаджон Мелибоев ҳам Сиз билан бирга эди. Ҳозир аниқ эсимда йўғ-у, ишқилиб, кўпчилик эдик. Ўша куниёқ кечки пайт иккита машинада Олтиариққа жўнадик. Мақсад – ҳофиз дўстимиз Қобилжон Юсуповни кўриш, қўшиқ тинглаб, ҳордиқ чиқариш эди. Борсак, Қобилжон туманнинг обрўли одамларидан бирининг тўйида хизмат қилаётган экан. Олтиариқликларга мазада, тўй қиладиган бўлсалар бошқа томондан созанда излаб юришмайди. Қобилжондан ташқари Маъмуржон Тўхтасинов, Солижон Маматов, Қиличбек Тожиев, Охунжон Мадалиевларни керак бўлса, узоқ худудлардан келиб олиб кетишади. Олтиариқликлар эса ўзиникини қадрлайди, «қўйнидан тўкилса, қўнжига» солиб қўя қоладилар. Ҳам беминнат, ҳам арзон.

Ота-боболаримиз «Айтилмаган қўноқ, йўнмаган таёқ» деганлар. Лекин биз ўша пайтда бу ҳикматли иборага амал қиладиган даражада эмасдик. Ҳали 50 ёшга бормаган навқирон йигитлар эдик, тош келса кемириб, сув келса симирадиган пайтимиз. Бунинг устига бошқарувчимиз Йўлдош Сулаймон бўлиб, ўзини ўтга-чўққа уриб бўлса ҳам, яхшилик гулини ундирадиган ажойиб инсон эди. Тўй қиладиган одамнинг номини эшитиб, акамизнинг баҳри-дили очилиб кетди: «И-я, фалончими? Яхши, яхши! Кетдик!» дедиларда, истиҳоламизга қарамай йўл бошладилар. Чиндан ҳам тўйбоши яхши одам экан. Худди бизларни атайлаб кутиб тургандек, шунақанги хурсандчилик, очиқ чехра билан қарши олдики, барчамиз ҳам борганимизга суюниб кетдик. Ахир, Тошкент-у Фарғонадан унга яқин таниқли шоиру олимлар боради-ю, тўй эгаси хурсанд бўлмасинми? Бу ташриф у кишининг обрўсини янада ошириб юборади-да!

Алоҳида ҳовлига жой қилишиб, бизни ўша ёққа олиб киришди. Қобилжон тўйхонадаги хизматини шогирди Охунжонга топшириб даврамизга кўшилди. Ана ўтиришу, мана ўтириш! Олтиариқликлар хўп ажойиб одам бўладилар-да! Анвар Обиджон айтганидек, уларнинг бодринги билан турпини мақтаб қўйсангиз бас – шу маҳсулотлардан топган барча даромадини бемалол меҳмонга сарфлаб қўя қолади. Давра қизигандан-қизиди, қўшиқ, аския авжига чиқди. Кайфият кўтарилди, бир-биримизга ҳазил қилиш истаги туғилди. Чамамда Йўлдош ака бошлади-ёв шу гапни. У ким ҳақидадир меҳмонларнинг ҳикоясини тинглаб туриб, «Вой, ўвлаҳей!» («аблах» сўзининг қўқонча талаффузи) деб юборди. Акамиз бу сўзни гап бораётган одамга нисбатан ҳақорат маъносидан эмас, унинг эпчиллиги, топқирлигига тан берувчи сўз сифатида ишлатганди. Бу сўз ўша пайтдаги кўтаринки кайфиятимизга, ҳазил-мутойиба муҳитига мос тушдимиз, ишқилиб, ўтирганлар бир-бирига «ўвлаҳ» дея мурожаат қила бошладилар ва бу ибора ўзининг асл маъносидан узоқлашиб, қандайдир яқинлик, ҳурмат, мардлик фазилатини ифодаловчи сўзга айланиб қолди.

Шу пайт хонага Охунжон кириб келди (ташқаридаги базм тугаган бўлса керак). Ундан ҳам кўп лирик қўшиқлар эшитиб маза қилдик. Кейин Йўлдош аканинг таклифи билан бу «кичик ўвлаҳ»га устози «катта ўвлаҳ» Қобилжон Юсуповдан фотиҳа олиб бердик. Даврадагилар ҳазилакам одамлар эмасди-да! Ахир, қалам аҳлини Оллоҳнинг суюкли бандаси дейишади-ку машойихлар! Шу фотиҳа сабаб бўлдими, ҳар ҳолда Охунжон Мадалиев тез орада тилга тушди, лирик қўшиқчи сифатида бутун республикага танилиб қолди. Кетма-кет танловлар ғолиби, совринлар соҳиби бўлди. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвонига мушарраф бўлди. Қўшиқ ишқибозларига жуда-жуда ёқиб келаётган эди. Афсуски, умри қисқа экан, 50 ёшга кирмай дунёни тарк этди, мухлисларини йиғлатиб кетди. Оллоҳ раҳматига олган бўлсин.

Сизларнинг Тошкентга жўнайдиган вақтларинг ҳам бўлиб қолди. Ўша пайтда ҳар куни Андижондан Тошкентга поезд бўлар, тунги соат 11 да Марғилон бекатидан жўнарди. Иккита машинамиз учта бўлди, олтиариқлик «ўвлаҳлар» ҳам кузатгани бирга чиқишди. Эҳ, вокзалдаги кулгилар, ҳазиллару аскиялар! Қайтиб келармикан ўша беғараз дамлар, деб ўйлайман мен босганда ғамлар. И-е, шеър чиқиб қолдимиз? Албатта! Шоир зоти билан юрганингдан кейин юқадиди!

Хуллас, Сиз билан ҳар бир учрашувимиз ана шундай завқли, ҳазил-мутойибага бой ҳолда ўтади. Давраларда жуда шўх, ҳазилкашсиз-у, ижодда жиддий, босиқ одамсиз. Бу хусусият ҳар бир шеърингизда, достонларингизда, айниқса, тарихий романларингизда яққол сезилиб туради. Сиз адабиётимизга шоир сифатида кириб келгансиз. Кейин насрий асарлар ҳам ярата бошладингиз, таржима билан жиддий шуғулландингиз. Ижод захматларидан ортиб, илмий иш ҳам қилдингиз – филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ёқладингиз. Шуниси борки, илмий ишингиз билан таржимонлик фаолиятингиз бир-бирини тўлдирди. Ўзингиз меҳр била она тилимизга ўгирган ҳинд халқининг буюк эпоси «Рамаяна» поэтикасининг ўзбек тилидаги талқини масаласи Сизга олимлик эшигини очиб берди (1992 йил). Бир неча йил ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг этика ва эстетика кафедрасида ишлаб, талабаларга бадий адабиёт гўзалликларидан сабоқ бердингиз. Деярли ҳар йили АҚШдаги Вашингтон университетининг таклифи билан америкалик талабаларга ўзбек адабиётининг билимдон профессори сифатида маърузалар ўқиб келяпсиз.

Сизга ҳавасим келади, дўстим. Негаки, таржимонлик фаолиятингиз Сизга фақат илмий даража тақдим этибгина қолмади, балки обрўйингиз ва мартабангизни ҳам оширди. «Рамаяна»дан кейин бирин-кетин Қорақалпоқ халқ эпослари «Шаҳриёр» ва «Маспошшо»ни муваффақият билан таржима қилдингиз. Жаҳон адабиёти хазинасидан муносиб ўрин олган бу шоҳ асарлар билан ўзбек маданияти хазинасини бойитишингиз, шубҳасиз, катта гап эди. Шу боисдан Сизни республикамизнинг юқори лавозимларида ишлайдиган мўътабар раҳбарлари руҳлантирдилар, қўллаб-қувватладилар.

Эслайсизми, 1980 йилнинг илк баҳор кунларини? Сиз ўшанда Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида бош муҳаррир ўринбосари бўлиб ишлардингиз. Нашриёт Навоий кўчасидаги 30 уйнинг 4 қаватига жойлашганди. Мен эрталаб соат ўнларда чиқиб борсам, Сиз ҳаяжонланиб коридорга сиғмай юрибсиз. Мени кўрибоқ чехрангиз ёришиб кетди. Кучоқлашиб кўришгач, хонангизга бошладингиз, ҳол-аҳвол сўрашдик. Шунда Сиз қувончингиз боисини айтиб бердингиз: «Буни қаранг, дўстим, кеча мени ота (Шароф Рашидовни назарда тутдингиз – Й.С.) чақиртирди. Ҳузурларига ҳаяжонланиб кириб бордим, нима гаплигини билмайман денг. У киши ниҳоятда очик чехра, хуш

кайфият билан кутиб олдиларки, мен ўзимни йўқотиб қўяёзим. Юзларидан табассум, кўзларидан меҳр нури ёғилиб турибди. Дастлаб ҳол-аҳвол сўрадилар, ижодий режаларим билан қизиқдилар. Кейин столи устидан «Рамаёна» китобини олиб ўртамизга қўйдилар. Биласиз, китоб катта ҳажмда, рангли, олий навли қоғозда нашр қилинган эди. Китобга ўнг қўлларини қўйиб туриб «Ука! Ҳинд эпосини она тилимизга ўгириб яхши қилибсиз. Халқимизни жаҳоннинг ана шундай буюк асарлари билан кўпроқ таништиришимиз керак. Шундай олийжаноб ишни давом эттиринг. Мендан қандай ёрдам керак бўлса, тортинмай айтаверинг. Қўлимдан келганича ёрдам бераман» дедилар-да, мана бу олтин пероли ручкани совға қилдилар» деб кўкрак чўнтагингиздан ўша ручкани олиб кўрсатдингиз. Ручка жудаям бежирим эди. Ҳаммасидан ҳам, унда республикамизга энг оғир йилларда оқилона ва одилона раҳбарлик қилган меҳрибон зотнинг қўллари тафти, юрак кўри сезилиб турарди. Ҳа, биродар, вафотидан сўнг бошига не-не бўлмагур иғво, айбларни ёғдирганимиз Шароф ака аслида ҳақиқий ватанпарвар инсон ва яхшигина ижодкор ҳам эдилар. Энг муҳими, ўша мураккаб йилларда ўз йўлини тополмай юрган баъзи ёш ижодкорларга тўғри йўл ва мурувват кўрсатиб ҳомийлик қилган улуг зот эдилар. Оллоҳ раҳматига олган бўлсин!

Хуллас, шу рағбат баҳона Рамаёна оҳанглирида бир туркум шеърлар ҳам яратдингиз.

Сизни ижодда доимо «Олис хотиралар, ёрқин тарихлар» ўзига чорлаб келган. Ҳамиша бедор юрагингизда «Тугён беқарор» бўлиб, у «Ўтга-чўққа урар ўзини такрору такрор.» Бу Ватанни қаттиқ севишингиздандир. Ватанга бўлган меҳрингиз китобларингизни номлашингизда ҳам сезилиб туради. Масалан, илк тўпламларингиздан бирини «Оталар юрти» деб атагансиз ва унда «Бугуннинг залворли чўққиларидан Кечмишнинг гирдобли тубига» назар ташлайсиз. «Осмондай поёнсиз ва кенг» кечмишнинг даҳшатли бағридан ёруғлик излайсиз. Бунинг учун «Ўтмишнинг бекик дарчаси»ни очиб, бизга нотаниш бўлган нурли чехралар билан мароқли суҳбатлар қурасиз. Бунинг самараси ўлароқ, араб истилочиларга қарши мардонавор жанг қилган Юсуф Иброҳим ўғли, Ҳошим Ҳаким ўғли Муқанна, Искандар босқинчиларини даҳшатга солган Спитамен, мўғулларни тумтарақай қилган сарбадорлар тилга кирадилар. Улар ўзлари ва кураш тарихи тўғрисида жўшиб сўзлаб берадилар. Кейин тарихий мавзудаги қатор дostonларингизга кўчадилар.

Кейин «Қадимги кўшиқлар» деб аталган туркум яратдингиз. Унда ҳам асосан халқимиз тарихининг нурли саҳифаларини очиб, жаҳонга кўз-кўз қилгингиз келади. Бу истак Сизни мафкуравий таъқиқ ғоят кучайган ўша 70-80 йиллардаёқ уйғонганди. Уни қондириш учун Сиз яна аждодларимиз фаолиятидан нур изладингиз. «Гумбаздаги нур», «Машраб», «Боқий дунё» номли тарихий мавзудаги достонларингиз шу тариқа юзага келган эди. Дастлаб достон жанрида яратилган «Боқий дунё» кейин давом эттирилиб шеърий романга айлантирилди. Бу асар тўғрисида мен иқтидорли талабамиз Исмоилжон Ҳожиалиев билан ҳаммуаллифликда ҳозирги «Туркистон» газетасининг 1982 йил 20 январь сониди «Умрбоқийлар мадҳи» сарлавҳали тақриз эълон қилгандик (ҳозир Исмоилжон билан бирга ишлаймиз. Яқин орада фан доктори бўлади). Адашмасам, биз шу тақризимиз билан шеърий романингиз ҳақида биринчи бўлиб фикр билдирган эдик. Кейин «Боқий дунё» адабий жамоатчилик томонидан юксак баҳоланди, қатор-қатор тақриزلар, мақолалар чоп этилди. Булар орасида айниқса, рус адабиётшуноси В.Оскоцкийнинг ҳозирги «Ўзбекистон овози» газетасининг 1984 йил октябрь ойида босилган «Тарих яратган достон» мақоласи алоҳида ўрин тутди. Бундан ташқари ўзбек адабиётшуносларидан М.Маҳкамов ва Ё.Яквалхўжаевларнинг «Юлдузларда тўхтамас ҳаёт», Очил Тоғаевнинг «Боқий дунё», Б. Қосимовнинг «Курашлардан боқий бу дунё» каби мақолаларида асарга юксак баҳо берилган.

Лекин, барибир, биринчи сўз — биринчи-да! Шунинг учун ҳам шеърий романингиз босилиб чиқиши биланоқ менга қуйидаги дастхат билан туҳфа қилгандингиз: «Ушбу китоб жонкуярларидан бирига, яхши дўстга муаллифдан.8.X11.1982». Асарнинг тилга тушиши сабабларидан муҳими унда Сиз биринчи бўлиб Дукчи эшон кўзғолонига холисона ёндашганингиздир. Совет даврида яратилган манбаларнинг биронтасида ҳам бу воқеага ижобий баҳо берилган эмасди. Ҳатто замондоши шоир Муқимий ҳам ўз даври сиёсатининг маддоҳига айланиб, эшонга қарши ҳажвия ёзган ва халқининг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиб майдонга чиққан ва дорга бошини тикиб берган ул зотни «турфа суллоҳ баччағар» деб ҳақорат қилганди. Сиз эса ҳақиқий адабиётнинг бош ўлчови ўзи хизмат қилаётган, ҳаётини акс эттираётган она халқининг дардларига, қувончига шерик бўлишдек олий фазилатини инобатга олиб, Дукчи эшон ҳаракатига хайрихоҳлик билан муносабатда бўлгансиз. Битта оиланинг учта вакили озодлик учун кўтарилган учта халқ

қўзғолонида иштирок этишини ифодалаш орқали мустамлакачиликка қарши курашган фидойиларни тарих саҳнасига олиб чиқасиз ва уларнинг илдиэлари чуқур ҳамда мустаҳкам эканлигига ишора қиласиз.

Озодлик учун курашда Дукчи эшон ёлғиз эмасди. У бошлаган иш эшоннинг ўлими билан ерга кўмилиб кетмади. Орадан бир неча йил ўтгач, Номоз Пиримқул ўғли, 1916 йилги миллий озодлик учун курашувчилар, талантли лашкарбошилар, халқининг осойишталиги йўлида мақсади ва маслагидан, ҳатто ҳаётидан кечишга рози бўлган Қурбонжон додхоҳ билан Мадаминбеклар қиёфасида юз кўрсатди. Сиз ўзбек халқининг келажаги, эркинлиги ва озодлиги йўлида кураш олиб борган бундай тарихий шахслар образини алоҳида меҳр билан тасвирлайсиз.

Тўғри, дўстим, шеърый романингизда ўша давр тақозосига кўра Ленин, Калинин, Фрунзе, Куйбишев каби рус инқилобчиларининг фаолиятига ҳам кенг ўрин бергансиз. Яхшиям шулар бор экан, инқилобчи доҳийларнинг доно сиёсати ва тадбиркорлиги туфайли халқимиз ҳаётда ўзгариш рўй берди, деган фикр асар организмга сингдирилган. Биз ҳам ўз вақтида бу муносабатингизни хўп мақтаганмиз. Наиллож, шундай қилмасангиз, шеърый роман нашр ҳам этилмасди, машҳур ҳам бўлмасди-да! Сизнинг асосий ниятингиз эса, ана шу доҳий-инқилобчилар ниқоби остида мустақил Ўзбекистонни яратиш учун курашни ҳаётининг мазмунига айлангирган Қудрат, Насриддинбек, Фарҳодларнинг асл мақсадини ифодалаш эди. Масалан, шоиртабиат йигит Насриддин бутун умрини «Туркистоннома» яратишга бағишлайди. Бу Сизнинг ўша пайтдаёқ мамлакатимиз мустақиллигини назарда тутганлигингиздан далолат бермайдими?

Муҳаммадали! Ўзбек адабиётида шеърый роман ёзган ижодкорлар бармоқ билан санарлидир. Булар: Мирмуҳсин (Оллоҳ раҳматига олган бўлсин), Хусниддин Шарипов, Сиз, Барот Бойқобилов ва Султон Акбарийлардир. Ҳозирча адабиётшунослигимизда иккитаси — Хусниддин аканинг «Бир савол»и билан Сизнинг «Боқий дунё» асарларингиз шеърый роман жанри талабларига жавоб бера оладиган манба сифатида тан олинган холос. Мирмуҳсин домланинг «Зиёд ва Адиба»си янги ўзбек адабиётида бу жанрнинг бошловчи намунаси (аслида-ку, шеърый романинг илк кўринишлари Х-ХII асрларга бориб тақалади. Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си, ҳазрат Навоийнинг «Ҳамса»сидаги дostonлар Пушкиннинг «Евгений Онегин» асаридан камми?)

сифатида тилга олинса, С. Акбарийнинг «Кўкан шўро», Б.Бойқобиловнинг Навоий ҳақидаги талай лиро-эпик асарлари бу йўлдаги дастлабки изланиш натижалари ҳолос.

Тарихдан олган сабоқларингиз, унга муҳаббатли муносабатингиз, назаримда, лиро-эпик асарлар ҳажмига сифмай қолди, шекилли. 90 йиллардан бошлаб насрга мурожаат қилдингиз. Тез фурсатда икки китобдан иборат «Сарбадорлар», бир неча китобга мўлжалланган «Улуғ салтанат», буюк аждодларимиз ҳаёти ва фаолияти тўғрисида ҳикоя қилувчи «Абадий соғинчлар» деб аталган роман-хроника каби асарларингиз дунёга келди. Бу Сизнинг сўнги ўн беш йилликда яратган ижод намуналарингиз. Ваҳоланки, дастлаб «Олтин мерос», кейин халқаро Амир Темур номидаги жамғармада олиб бораётган амалий фаолиятингиз, АҚШдаги Вашингтон университетига ҳар йили қатнаб ўқиётган маърузаларингиз, илмий ишларингиз, эсселар ва публицистик мақолаларингиз, кўплаб шеърлару дostonларингиз бу ҳисобга кирмайди.

Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги олдида бизнинг университетда ўтказилган халқаро илмий-назарий конференцияга келганингизда (2005 йилнинг март ойи эди) озгина ҳамсуҳбат бўлдик. Ўша пайтда «Улуғ салтанат» тарихий эпопеянингизнинг «Жаҳонгир Мирзо» деб аталган биринчи китоби кенг ўқувчилар оммаси томонидан севиб мутолаа қилинаётган, унга академик М.Қўшжонов мазмундор сўнги сўз ёзган, темурийлар даврини мукамал билган олим ва улкан адиб П. Қодиров сеvimли газетамизда муҳаббатли мақоласини эълон қилганди («ЎзАС», 24.X.2003). Менинг фикримни сўраганингиз, «Шундай улуғ устозлардан ошириб нима дея олардим. Сизга навбатдаги китобларни тезроқ ёзишингизда фақат омад тилайман» дедим. Чиндан ҳам М. Қўшжонов домла айтганларидек, «Улуғ салтанат»нинг бадий қимматини белгилайдиган муҳим хусусиятлардан бири Сизнинг ёзувчи сифатида «тарихий вазиятни аниқ ифодалайдиган, характернинг ички оламини тўла ва теран очиб берадиган воқеаларни излай» олишингизда, «аксарият ҳолатларда уларни топа» олишингизда ва ишонарли тасвирлашингиздадир. Сиз Амир Темурни кўпроқ саркарда ёки соҳибқирон — юртбоши сифатида эмас, балки оилапарвар инсон, набираларнинг меҳрибон бобоси, атрофидагиларнинг ишончли дўсти тарзида кўрсатгансиз. Қўшжонов домла яна бу романда Сизнинг услуб жиҳатдан янги босқичга кўтарилганингизни, баёнда

насрдан кўра назмга мойиллик устуворлигини алоҳида таъкидлайди. Бу услубингизни Пиримқул Қодиров тўғридан-тўғри «Шоир ёзган роман» деб хулоса чиқариб кўя қолди.

Менинг назаримда, Сиз Амир Темур образини жуда эҳтиёткорлик билан холисона тасвирлагансиз. Тўғрисини айтганда, Соҳибқироннинг фаолиятига бағишланган кўплаб мақолалар ва китобларда, ўрта таълим мактаблари учун чиқарилган дарсликларда фақат ижобий баҳо бериш, яъни бир ёқлама таҳлил этишга мойиллик сезилмоқда. Недурки, мустақиллик бизга Амир Темур бобомизни қайтиб берди, у кишининг ҳаётига холисона ёндашиш имконини яратди деб, бироз мақтовга берилиб кетдик, шекилли. Ахир, босқинчилик билан шуғулланган лашкарбоши истайдими, йўқми, қон тўкилишига йўл қўяди, қурол ушлаганми, йўқми, йўлидан чиққан одамларни қиради. Сиз масаланинг бу томонини ҳам эътибордан четда қолдирмайсиз. Амир Темурнинг жанг пайтларида ўта шафқатсиз ва қатъиятли лашкарбоши бўлганлигини ҳам яширмайсиз. Бундай ҳол бир неча эпизодларда тўғри кўрсатилган.

Сизнинг ижодий тамойилингизга кўра «Тарих – факт, адабиёт - фантазия»дир. Чиндан ҳам ҳақиқий тарихнавис адиб тарихий фактларга асосланган ҳолда, ундан қувват олиб, ҳаёт осмонида бемалол парвоз қилиши мумкин. Шарт шуки, унинг оёғи тарихий заминдан узилмасин. Ўзингиз таъкидлаганингиздек, «Расмий, ҳужжатли тарих аниқ фактларга, шахсларга, реал воқеаларга суянади ва ўз саҳифаларида барчасини қайд этиш билан чекланади. Адабиёт эса, биринчи галда, расмий тарихда таърифланган шахс қалбини – унинг муҳаббати-ю нафратини, қувончи-ю изтиробини, ҳис-туйғулари-ю ҳаяжонларини тасвирлайди.» Демак, таърифлаш, айтиш тарихчининг, тасвирлаш, кўрсатиш ёзувчининг ишидир. Аслида ҳам шундай бўлиши керак-да!

Яна бир гап эсимга тушиб қолди. 2003 йилнинг сентябрь ойи эди, шекилли. Мен ўша пайтдаги ректоримиз Аҳмаджон Ўринов ҳузурда ўтиргандим. Котиба кириб, ректорга Сизни Тошкентдан сўрашяпти деб қолди. Сиз кўнғироқ қилган экансиз (буни кейин билдим). Сиз билан суҳбатда Аҳмаджон «Жуда яхши-да! Хўп бўлади! Албатта! Мана, ёнимда адабиётчилардан биттаси ўтирибди, бошимни қотириб, булар мениям адабиётчи қиворишяпти» деди-да, кулимсираб, гўшакни менга узатди. Салом-аликдан сўнг «мақодани ўқидим. Бизнинг роман ҳақида ҳеч нарса демабсиз-у» дедингиз. Ўша пайтда менинг «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»

газетасида «Роман кашфиётлар манбаидир» сарлавҳаси остида мунозарали мақолам босилиб чиққан (2003 йил 5 сентябрь), жиддий тортишувларга сабаб бўлаётган эди. «Сизнинг романингиз тарихий мавзуда экан-да. Мен фақат замонавий мавзудаги асарларни олгандим. Йўқса, бошлаб дўшпослардим» деб ҳазиллашдим. Сиз ўшанда Амир Темуր жамғармаси томонидан нашр қилинган бир неча китобларнинг тақдиротини, сотишни йўлга қўйиш ҳақида маслаҳатлашмоқчи бўлиб кўнғироқ қилган экансиз.

Эҳ, дўстим, бизга осон тутасиз-да! Ҳозир китоб ўқийдиган ёшлар жуда оз қолди. Ишонасизми, мен талабаларга «Адабий танқид тарихи», «Ҳозирги адабий жараён» фанларидан дарс бераман. Йил бошидаёқ ўқиш учун 30–40 тадан иборат бадиий асарлар рўйхатини ёздириб қўяман. Яқуний назорат олдидан биттама-битта сўрайман. Ўн талабадан тўққизтаси «китобни тополмадим» деган баҳонани рўкач қилишади. Тўғриси ҳам шундай. Фарғонада китоб савдоси жуда ёмон аҳволда. Борининг ҳам баҳоси осмонда. Ҳозир кутубхоналар ҳам китобларни ҳисоби билан олишяпти. Ҳаммаси маблағга бориб тақалаяпти.

Хайр, майли, юрагимдаги анча-мунча дардларимни ёзиб ҳам олдим. Нима бўлганда ҳам, Сиздек яхши китоб ёзадиган қалам аҳли-ю, оз бўлса-да, биздек ҳаётини китобсиз тасаввур қилолмайдиганлар бор бўлсин. Зора, уларнинг хизмати-ю меҳри бошқаларнинг қоронғи дилларини ҳам ёритиб турса... Ниятларимиз йўлдошимиз бўлсин!

Омон бўлинг, дўстим. Кўришгунча хайр.

СИЗ ТИРИК АРХИВСИЗ Ўзувчи Набижон Боқийга

Ассалому алайкум, мухтарам Набижон Боқий!

Сизнинг «Қатлнома» китобингизни мутолаа қилиб, ўзимни қўярга жой тополмай қолдим. Уни аввалроқ «Шарқ юлдузи» журналида босилгандаёқ ўқигандим ва ўшанда ҳам шундай изтиробни туйгандим. Янада тўлдирилган, бойитилган бу китобнинг босилиб чиқиши халқимизнинг ўз мустақиллиги қадрига етиши учун муҳим аҳамият касб этади деб ўйлайман. Негаки, китобингизда ҳикоя қилинган воқеалар истиқлолимиз осонликча қўлга киритилмаганлигини, унинг учун қанчадан-қанча ота-боболаримиз жонини фидо қилганликларини, ҳозирги авлод улардан ўрнак олиши лозимлигини англаб олишга ёрдам беради. Шу сабабдан унинг ҳозирги ва келажак авлод учун қимматини ўлчашга олтиндан тарози, олмосдан тош камлик қилади деб ўйлайман. Ахир, неча-неча авлод ҳақиқатни билмай, қанчаси эса уни била туриб топтаб ўтди-ку! Шукурларким, мустақиллик деган туганмас неъмат бизга насиб этди. Эндиги авлод 75 йилдан ортиқроқ давр мобайнида «тенглар орасида тенг, хур, озод» деб саналган халқимиз бошига не-не балолар ёққанини билиб олмоғи, ўзингиз жон куйдириб айтганингиздек, «қатли ом ва қатли омга имкон яратиб берган тартиботлар яна қайтиб келмаслиги учун ҳақиқатни, у нақадар аччиқ бўлмасин, бор бўйича билмоғи керак».

Китоб билан танишган ўқувчи Сиз ўнлаб архивларнинг зах хоналарида чанг босиб ётган ҳужжатларни сабр-тоқат ва ғоят синчковлик билан ўрганганлигингизга, ҳар бир сўз, далил, ибора, рақамларни бир-бирига таққослаб, ҳақиқат зарраларини мисқоллаб териб олганингиз, уларни ўта нуқтадонлик билан текширганлигингизга ишонч ҳосил қилади. Сиз ҳар бир ҳужжатнинг «суратинигина эмас, сийратини-да кўрасиз, жумлалар остидан чиқаётган ҳайқириқ»ни жон қулоғингиз билан тинглай оласиз, бу ҳиссиётларингизни ўқувчига ҳам юқтира оласиз ва ана шу услубга китобингиз охиригача қатъий амал қиласиз.

Набижон! Баёнда Сизнинг холислигингиз мени ғоят мамнун этди. Биласизми, бу қатли олда Ғафур Ғулом, Ойбек, Уйғун, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон, Комил Яшин кабиларнинг «қўли бор»лиги тўғрисида турли миш-мишлар тарқалган, улардан айримларининг юзига билиб-билмай қора чапланаётган эди. Бу, албатта, ҳозирги замон кишиларида қарама-қарши фикрлар

уйғотди, улар тўғрисида ҳар хил гап-сўзлар кўпайди. Сиз ушбу китобингиз билан, китоб устида олиб борган кўп йиллик машаққатли изланишларингиз ва ҳолисона тадқиқингиз билан уларни оқладингиз, хизматларини жой-жойига қўйдингиз. Энг муҳими, бундай қабиҳ ишга қўл уришга улар мажбур этилганлигини, бунга жамият айбдор эканлигини аниқлаб бердингиз. Бунинг учун биз миллионлаб китобхонлар номидан раҳмат айтишга бурчлимиз.

Биласизми, Набижон, мен ўзим ишлаётган Фарғона Давлат университетининг ўзбек филологияси факультети талабаларига XX аср ўзбек адабиёти фанидан дарс берганимда “агар биз энди бу ижодкорларимизни ҳам қоралаб, асарларини ўрганмайдиган бўлсак, 20-40 йиллар адабиёти мутлақо қашшоқлашиб қолмайдими?!” деб куйинган, бу ижодкорларнинг «айби» аслида ҳукумат тазйиқи остида рўй берган (айримларини соқит қилганда, албатта. Беш қўл баробар эмас-ку!), агар шундай гувоҳлик бермаганларида улар ҳам қамоққа тиқилиши, сургун қилиниши ёки отиб ташланиши турган гап эди, деб тушунтиришга уринардим. Бинобарин, бу камчиликлар ўша ижодкорларнинг эмас, балки қаттол жамиятнинг қусуридир, деб изоҳлаган ҳамда уларни маълум даражада оқлагандим. Янглишмаган эканман, Набижон, Сиз буни етарли ҳужжатлар асосида исботлаб бердингиз. Бунга Ғ.Ғулом, Ойбекларнинг тақдири мисол бўла олади. Демак, Сизнинг бу асарингиздан олий ўқув юртларида ўқитиладиган адабиёт фанлари учун қўлланма сифатида фойдаланилса ҳам бўлади. Шунинг назарда тутиб мен «Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти», «XX аср ўзбек адабиёти» фанларини ўтишда илмий адабиётлар қаторида шу китобингизни ҳам тавсия этяпман. Талабаларимиз уни ўқиб, ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб топишяпти. Оғиримизни енгил қилганингиз учун Сизга раҳмат, Набижон!

Мазкур ёзувчиларимизнинг ўша пайтдаги аҳволини тушуниш учун ўқувчиларга китобингизнинг 30-33-саҳифаларини яна бир бор ўқиб чиқишни топшираман. Пешонасига тўппонча қадалиб, кўзига ўлим сурати, ҳеч бўлмаганда қамоқхонанинг ругубатли хоналари кўрсатиб қўйилган бўлса, одам қандай аҳволга тушади. Уларни «сотқинлик»да айблаётганлар ўзларини ўша ўринга қўйиб кўрсинлар-чи! Ахир, жон ширин, барчамиз ҳам Худонинг ожиз бандасимиз-да!

Лекин бир нарсани сўраб олай. Ўша ур-сур пайтида на фақат Фафур Ғулом ва Ойбеклар, балки «ашаддий совет шоир»лари

ҳисобланган Уйғун, Ҳамид Олимжон, Комил Яшинлар ҳам сўроқ қилинганди. Уларнинг гувоҳлиги ҳақида нега индамай ўтдингиз? Ёки Уйғун билан Яшин акалар ҳаёт бўлганлиги учун истиҳола қилдингизми? Ахир, улар ҳақида ҳам анча-мунча гаплар юрарди, шуларга аниқлик киритилган бўлармиди дейман-да.

Ўрни келганда, Сиз айрим гувоҳлар билан очиқчасига дадил баҳс-мунозарага киришасиз, улар билан юзма-юз суҳбатлашиб ўтиргандек талашиб-тортишасиз. Шу жиҳатдан Абдулла Қодирий бошига не-не шўришларни солишни бошлаб берган Михаил Иванович Швердин деган имонсиз ғоядор билан бўлган суҳбатингиз Сизнинг миллий адабиётимиз, маданиятимиз равнақи йўлида жон куйдиргувчи фидойи инсон эканлигингизни исботлайдиган лавҳадир. Суҳбатда Сиз кучли, ўринли кинояли саволлар ҳамда изоҳлар билан унинг дилида яшириниб ётган қабих ниятларини усталик билан очиб ташлайсиз. Унинг ҳанузгача кўпчиликка маълум бўлмаган, бироқ кўпгина илмий манбаларда тилга олинган «Биринчи ўзбек романи» ҳақидаги «За партию» журналида босилган даҳшатли мақоласи билан таништирасиз. Шу ерда хушёр ўқувчи яна бир ҳақиқатдан огоҳ бўлади: ўша қатагон йилларида бизнинг зиёлиларимизга қарши ҳужум асосан ўрис тилидаги матбуот саҳифаларида (гарчи кўпини ўзимизнинг ўзбек «олим»лари ёзишган бўлса-да!) бошланган экан.

Нодон китобхон асарингиз охирироғида мана шу қатли ом тепасида турган, унда фаол қатнашган Давлат хавфсизлиги бошқармаси ходимларининг айримлари жиноий жавобгарликка тортилганидан энгил нафас олади. Хайрият-е, адолат қарор топган экан, деб суюнади. Ёмонми, ахир Апресян отиб ташланди, Оғабеков қамалди, Тригулов ишдан бўшатилди! Адолатни кечроқ бўлса-да амалга оширган ҳукуматдан ички миннатдорлик туйғуси пайдо бўлгандек туйилади. Ҳов, биродар, — дегинг келади уларга. — Кўзингни каттароқ оч! Ахир, бу неча-неча зolim ва қотил шахслардан қолиб келаётган оқава усул-ку! Қадим тарихдан аёнки, зolim подшоҳлар мамлакатнинг гулларини териб олиб, кейин халқ кўзига гўё «адолатли» бўлиб кўриниш учун ўша «айбдор»ларни ё ошқора ёки пинҳона йўқ қилган. Мана, биттаси падаркуш Абдуллатиф. Отаси Мирзо Улугбекни ўлдириб қайтаётган содиқ навқари, ёшликдан бирга ўсган сирдош дўсти Аббосни бу қабих ишни амалга оширишида ягона гувоҳ бўлгани боис ўлдиртириб юборади. Аббос гўё текис даштликда отдан йиқилиб ўлади. Ўйлаб кўринг-чи, 10-12 ёшларидан от миниб катта бўлган чавандоз, қилич

чопишда тенги йўқ йигит ўз-ўзидан отдан йиқилиб ўлаверадими? Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» романида ёзилишича, узоқдаги қир тепасида Амир Жондор қараб турганини сезгир ўқувчи англагандир? Сталин ўшаларнинг биттаси, энг даҳшатлиси, энг донишманди ва афсуски, охириги эмасди.

Мана, энди мустақилликдан кейин тарихимизни астойдил варақлаб, кечаги кунларимизга холис назар ташлаб кўрсак, дунёда фирибгар ҳукумат иккита бўлса — биттаси, мабодо, битта бўлса — ўшанинг ўзи совет ҳукумати экан. Ё алҳазар! Шунақаям пихини ёрган маккор бўладими-я? Сезяпсизми, мамлакатда қатли ом рўй беришига гўё ҳукумат эмас-у, айнан Апресян, Оғабеков, Тригулов сингари баъзи шахслар «айбдор» бўлгандек, улар жазоланди. Бу билан ҳукумат «Ана, сизларни беғуноҳ қамаган, сўроқ пайтида урган, жисмоний куч ишлатган номардларни жазоладим. Кўрдингларми, қандоқ адолатлиман?!» демоқчи бўлади. О, бу фирибгарликнинг остида қандай қабиҳ мақсадлар бор-а?!

Китоб ниҳоясига етган сари овозингиз тобора кўтарилиб, хулосаларингиз кескинлашиб боради. Оҳангдаги бундай нидо қалбларни ларзага солади. Китобингизнинг яна бир фазилати — керакли ўринларда воқеликка мос равишда А.Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романидан, «Темур тузуклари»дан шундай парчалар келтирасизки, бу кўчирмалар Сиз ҳикоя қилаётган воқеликка, вазиятга узукка кўз қўйгандек бўлади. Асарингиз тили ғоятда таъсирчан ва халқчил, худди ўқувчингиз билан юзма-юз суҳбатлашиб ўтиргандек ҳикоя қиласиз. Бу хусусият китобхонга ўзини эркинроқ тутишга имкон яратади.

Хуллас, Сиз кўп йиллар азият чекиб, Тошкенту Душанбе ва Масков архивларини сабр-тоқат билан титиш оқибатида дунёга келтирган улуг ёзувчимиз Абдулла Қодирий қатлномасининг тарихи билан танишиб, ақлимиз тўлишди, фикримиз тиниқлашди, ўша машғум йиллар тўғрисида янада тўлароқ ва тўғрироқ тасаввурга эга бўлдик. Ўша биз севган Юсуфбек ҳожи тили билан айтганимизда: «Иттифоқнинг нима эканини билмаган, ёлғиз ўз манфаати шахсияси йўлида бир-бирини еб-ичган мансабпараст, дунёпараст ва шуҳратпараст муттаҳамлар Туркистон тупроғидан йўқолмай туриб, бизнинг одам бўлишимизга ақлим етмай қолди... Гуноҳсиз бечораларни бўғизлаб, болаларини етим, хоналарини вайрон қилувчи золимлар - қуртлар ва қушлар, ердан ўсиб чиққан гиёҳлар қарғишига нишона» бўлмагунча, яъни мустақилликка

чиқмагунимизча дамимиз ичимизда келди. Хайриятки, у кунлар абас бўлди.

Назаримда, Сиз архивлардан ниҳоятда кўп материаллар тўплаган кўринасиз. Бу кейинги асарларингизда ҳам кўришиб турибди. Улар нафақат адабиётимизнинг кечаги кунига оид қора доғларни ювишга даҳлдор, балки мустақиллигимиз тарихига доир талай ҳужжатлар борлигидан дарак беради. Шу боисдан мен Сизни «тирик архив» деб атаيمان. Фақат ўша архив материалларини ўрнида ишлатиб, «тарихимизнинг энг кир, қора кунлари» (А.Қодирий)ни ёритишга ишлатсангиз эди. Бунинг учун Сиз менимча, тарихий мавзуда бадиий асарлар ёзишингиз керак. Биласизки, ҳали XX аср бошлари, миллий-озодлик учун кураш олиб борган ота-боболаримиз, уларнинг мақсад ва интилишлари, кураш тактикаси, енгилиш сабаблари тўғрисида адабиётимизда тўлақонли асарлар яратилмаган. Сиз тўплаган архив ҳужжатлари ана шу бўшлиқни бадиий жиҳатдан тўлдиришга хизмат қилади, деб ўйлайман.

Шундай яхши асарлар ёзиб, адабиётимиз тарихига ойдинлик киритаётганлигингиз учун Сизга катта раҳмат, Набижон! Дастингиз узун, ижодингиз баркамол бўлсин. Сизни Қодирий, Фитрат, Чўлпон ҳамда миллий озодлигимиз учун курашган шаҳид боболаримизнинг барҳаёт руҳи қўлласин! Омин.

ТАЛАНТНИНГ ЮЗИНИ СЎЗ ОЧАДИ

Кўқовлик ёзувчи Носир Зоҳидга

Ассалому алайкум, Носиржон! Атайлаб Фарғонага келиб, «Йигит йиғламасин дунёда» ва «Қасос» қиссаларингиздан ташкил топган китобингизни тақдим қила туриб, торгинибгина «ўқиб фикр билдирсангиз. Лекин, илтимос, аяманг!» дедингиз. Мен, очиги, бундан хурсанд бўлдим. Чунки бунақа илтимослар биз, танқидчиларга жуда ёқадиде! Шу билан бирга бу илтимос заминидан мен Сизнинг ижодга нисбатан катта муҳаббатингизни, адабиёт ва китобхон олдидаги улкан масъулиятни чуқур ҳис қилаётганлигингизни ҳам сездим. Хайрият, танқиднинг қадрига етадиган, уни тан оладиган адиблар ҳам бор эканлигидан қониқиш ҳосил қилдим. Шундан бери хийла вақт ўтди, китобни бир неча марта ўқиб ҳам чиқдим. Кўп ўйланиб юрдим, қарама-қарши фикрлар, тортишувлар талошида қолдим. Нима қилсам экан? Борини ёзаверайми? Камчиликларини айтсам, муаллиф оғир олмасмикан? Ахир, бу Носиржоннинг, адашмасам, биринчи йирик китоби. Бунинг устига бир жойлик одамлармиз, кўзимиз кўзга, юзимиз юзимизга тушади. Ёки қусурларини хаспўшлаб, мақтаб қўя қолайми? Бундан кимга фойда-ю, кимга зарар?

Охири бўлмади, Сизга пинҳона мактуб йўллашга аҳд қилдим, токи бу гаплар орамизда қолсин, муаллифнинг ўзигина ўқиб, хулоса чиқариб ола қолсин, деб ўйладим. Бироқ манзилингизни ёзиб олмаган эканман, денг. Энди нима қилсам экан деб кўп ўйландим. Охири ҳаммамиз ҳам севиб ўқийдиган оммабоп газетамиз «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»га юборишга қарор қилдим. Ниятим Сизни танқид қилиш эмас, балки бошқа бошловчи ижодкорлар ҳам бу мулоҳазаларимдан тегишли сабоқ олсалар ажабмас.

Очигини айтганда, Носиржон, ҳар иккала қиссангиз ҳам бинойидек ёзилган. Уларни мутолаа қилган ўқувчи нимадир олади, таъсирланади. Негаки, уларда Сиз қаламга олган мавзулар инсонни ҳар доим қийнаб келган кундалик ташвишлар, муаммолардир. Шунинг учун бўлса керак, улар китобхонлар томонидан илиқ кутиб олинди, энг харидоргир асарлар қаторидан ўрин олди. Бу ҳақда адашмасам, «Туркистон» газетасининг 2004 йил 10 ноябрдаги сонидан яхши хабар берилган. Унда сотувчилар тилга олган асарларнинг биринчиси Сизнинг китобингиз эди. Бу қувончли хабар

билан Сизни чин дилдан табриклайман. Чунки ҳар ким ҳам илк асари биланоқ ўқувчилар қалбига йўл тополмайди. Зеро, ўқувчининг эътиборини тортадиган фазилатлар бор. Аввало, уларнинг номланиши китобхон қалбида турли саволлар пайдо қилади: Йигит киши нега йиғлайди? Унинг йиғламаслиги учун нима қилиш керак? Эр кишининг йиғлашига ким ёки нима сабабчи бўлади? Ким кимдан қасос олмоқчи? Нима учун? Бу саволлар табиийки, ўқувчига тинчлик бермайди ва тезроқ жавоб олиш учун астойдил мутолаага киришади. Асарни тугатиб, тегишли жавобни ҳам олади: ҳа, дунёда йигит кишининг йиғламаслиги учун биринчи гада оиласида тотувлик, осойишталик бўлиши шарт. Унинг умр йўлдоши фаҳм-фаросатли, эрининг топганига сабр қилиб, шукроналик билан яшайдиган, меҳрини, ширин сўзини аямайдиган, уни яримта сўзидан тушунадиган бўлсин! Мабодо, аёл киши қасд қилса, ниятига етмай қўймайди. Аёл зотини қасоскорга, қотилга айлантирадиган муҳитдан Худонинг ўзи асрасин! Биринчи тоифага мансуб аёлларни орзу қиласиз ва мол-дунёга ҳирс қўйган Азиза, эрининг қилмишига жавобан «бунақа иш менинг қўлимдан келмайдими?» дея қасдма-қасдига бузуқлик йўлига кирган Малика, шунингдек, Лобар, Матлуба, Раиса сингари аёлларга суйиб теккан эри Шарифжонни фарзандсизлик маломатидан қутилтириш учун, ўзи бош-қош бўлиб уйлантирган ва кундошининг болаларини ўз ўғил-қизларидек тарбиялаб вояга етказган Меҳри хола, эридан ёшгина бева қолган бўлса-да, болаларини ҳалол-пок меҳнати билан боқишга аҳд қилган, қўшмачиларнинг юзига назокат билан тупирган Санобархон, умрини оиласига, бемор эрини парваришлашга бағишлаган Фазилат опа кабиларни кўзгу қилиб тутасиз. Кошкийди, улар Сиз тутган кўзгуга қараб ўзини ўнглаб олсалар! Йўқ, башарасини қийшиқ кўрсатадиган бундай кўзгуга улар қарамайди. Аксинча, бундай аёллар ўзига зеб бериш, пардоз қилиш учун оддий ойнага қарайдилар, унда суратини кўрадилар-у, сийратини кўрмайдилар.

Носиржон! Қиссаларингиз учун қизиқарли мавзу, ҳаётини муаммо танлагансиз. Ҳар бир шахснинг — у эркакми, аёлми, барибир, жамият ва оиладаги ўрни, роли, мавқеи, ахлоқий поклик, ўзаро севги ва ҳурмат асосига қурилган иттифоқ талабларига ҳар қачон қатъий амал қилиш инсонийликнинг биринчи шarti эканлиги ҳақидаги ғоявий ниятингиз ҳозирги адабиётнинг долзарб масалаларидан саналади. Жамиятнинг ўзаги ҳисобланган оиладаги келишмовчилик жамият ва инсон манфаатлари ўртасида

номуганосибликни келтириб чиқаради. Бу охир-оқибат ўнганмас фожиага олиб келади. Бу муҳим ғоя асарларингизнинг туб моҳиятини ташкил этади.

Хуллас, иккала қиссангиз ҳам бир ўқишда кишига ёқади. Чунки уларда ифодаланган воқеалар, персонажлар кўпчилик ўқувчиларга таниш. Айниқса, иқтисодий қийинчилик туфайли ахлоқий бузуқлик ва жиноят йўлига кирган Раиса, Лобар, Малика, Рауф, Нормухаммад, Қудрат сингари аёлу эркаклар ҳозир кўпайиб кетди. Уларнинг бундай фаолияти вақтинча бўлиб, Оллоҳнинг ўзи турли йўллар билан уларга тегишли жазони беришини (Лобар тузалмас оққон касаллигига учради, Раиса, Нормухаммадлар харом ўлди, Рауф қамалди, Қудрат ишдан олинди ва ҳоказо) бадий ифодалаб, китобхонни хушёр торттирасиз, одамларни тўғри йўлга ундайсиз. Зеро, бадий адабиётнинг эзгу мақсадларидан бири ҳам шудир. Сиз шу мақсадга эришгансиз.

Лекин... Келинг, ука, буёғини қулоғингизга айта қолай, токи уларни тўғри тушуниб, қабул қилсангиз, кейинги ижодий ишларингизга бақор келса, ажабмас! Сиз 30 йилдан буён газета соҳасида ишлаб, қалами чархланган журналистсиз. Шунинг таъсири бўлса керак, баёнда газета тили, ахборот услуби яққол сезилиб қолган. Кўп ўринларда бадий тасвир ўрнини ахборот эгаллайди. Айниқса, «Йигит йиғламасин дунёда» қиссангизнинг 2 фаслини эсланг. Толибжоннинг дадаси Собиржон ака билан қилган суҳбати қуруқ ахборотдан бошқа нарса эмас-да! Эҳтимол, Сиз Толибжон ва у сингари тадбиркорлар мустақиллик туфайли рўёбга чиқди, ишлари юришиб кетди демоқчидирсиз? Бу мақсадни ифодалаш учун бошқача бадий усул тополмадингизми? Собиржон аканинг гаплари мажлисда раҳбарлар ирод қиладиган нутқдан ёки газета репортажидан фарқ қиладими? Йўқ, Носиржон, ўйлаб кўринг.

Носиржон! Сизнинг бадий асар тили устида кунт билан ишлашингиз талаб қилинади. Газета тили муаллиф нутқига ҳам, персонажлар нутқига ҳам бирмунча таъсир кўрсатган. Биргина «Тўй файзли, ширин ўтди» деган ахборот ҳар иккала қиссангизда ўн мартадан ортиқ такрорланганлигини биласизми? «Онаизор» сўзичи? Бундан сўнг яратган асарларингизда персонажларнинг сўзлаш тарзига ҳуда-беҳуда аралашаверманг, керакли гапни чайнаб оғзига солиб қўйманг. Улар ўзича, хатти-ҳаракати ва характериға мос ҳолда гапирсин. Қахрамоннинг ўзига хос қиёфаси ана шунда ажралиб туради. Ҳар бир манзара, тасвир, ифода учун сўз танлашга эътибор беринг. Зеро, сўз сохталикни, ортиқча безаш ва бўяшни ёқтирмайди.

У қанчалик табиий, самимий, содда бўлса, шунчалик ёқимли бўлади. Талантнинг юзини сўз очади, истеъдоднинг ҳақиқий қиёфасини сўз белгилаб беради. Шунинг билан чиқарманг.

Бадиий асарнинг ҳам одам сингари қон томирлари, гавда аъзолари бўлади. Буни адабиётшунослик фанида асарнинг сюжет ва композицион қурилиши дейилади. Ота-боболаримиз айтганидек, инсон ўзининг тўқсон икки томирида қон оқишини ҳис қилиб турмаса ёки бир оёғи, қўли, ишқилиб, тўрт мучасидан бири майиб бўлса, ўзини қандай ҳис қилади? Бадиий асар организми ҳам мукамал бўлмаса, касаллиги дарҳол сезилиб қолади. Шу маънода ҳар иккала қиссангизда ҳам қон охиригача оқиб бормайдиган томирлар, иш бермайдиган унсурлар учрайди. Асар ёзганда санъаткор, иложи борича, бир хилликдан, ўхшаш эпизодлардан қочиши керак. Сизнинг қиссаларингизда эса, бир-бирига бемалол кўчиб юрган айнан бир хил эпизодлар талайгина. Масалан, Толибжоннинг Хуррият, Нормухаммаднинг Матлуба, Лобар билан бекатда учрашиб қолишлари, кейинги ишқий ҳангомалар айнан ўхшаш. Ҳаётда шунақа бўлади-ку, дейсизми? Тўғри, лекин бадиий адабиёт ҳаётда рўй берган воқеа-ҳодисаларни айнан кўчиравермайди-да! Ёзувчи бадиий тўқимадан, бўёқ ва руҳий кечинмалардан унумли фойдаланса, бир хил эпизодлар ҳам турлича кўриниши ҳамда таъсир этиши мумкин.

Бундай ўхшашлик қиссаларнинг бошланишида ҳам учрайди. Ҳар иккала асарингизда ҳам қотиллик содир этилгани ҳақида хабар берилади. «Йигит йиғламасин дунёда» қиссангиз Толибжон билан Хурриятнинг уйларига бемаҳал кириб келган Рауф ва Самад, «Қасос» эса эри ўлиб, фоҳишалик йўлига кириб кетган Лобарнинг 15 йилдан кейин тасодифан «оиласини барбод қилган, ҳалолу пок эрининг ёш умрига зомин бўлган ноинсоф, тошбағир, ифлос одам — пешонасида анор суви сачрагандек қизғиш доғи бор диёнатсиз махлуқ» (шу қадар кўп ҳақоратладингизки, бечорани!) Нормухаммад билан учрашиб қолиб, лаззатли маишатдан сўнг уни осонгина ўлдириб кетиши билан бошланади. Ўқувчи ўйлаб қолади: Лобар шундай қотилликка тайёрмиди? Қасос олиш ниятида уни излаб юрганмиди? Бирон марта шу кўйга тушишига сабабчи бўлган ўша «пешонасида анор суви сачрагандек қизғиш доғи бор» одам ҳақида ўйлаб кўрганмиди? Аммо китобни варақлаб бу саволларига жавоб тополмайди. Боз устига кўзга ялт этиб кўриниб турадиган Нормухаммаднинг қиёфаси на Лобар, на Матлуба билан биринчи учрашганида, на дўсти Аҳад Солиев томонидан бирон

марта эсланмайди, исми айтиб турмаса, ўқувчи ҳам сезмай ўтади. Ваҳоланки, пешонадаги доғ дарҳол кўзга ташланади ва бу топилдиқ-деталь унинг ярамас кирдикорларини очиш учун Сизга жуда катта имконият берарди. Афсуски, ундан фойдалана олмагансиз. Бинобарин, бундай имкониятлар қиссаларнинг бошқа ўринларида ҳам учрайди, бироқ тажрибасизликми, шошқалоқликми, улардан унумли фойдаланишингизга халақит берган. Яна бир гап. Асарларнинг қотиллик эпизоди билан бошланиши воқеаларнинг изқуварлик (детектив) йўналишда кетишини тақозо этади. Лекин Сиз бу йўлдан бормагансиз. Чунки жиноятчиликнинг илдизини очиш мақсадингиз доирасига кирмайди. Сиз бундай ҳодиса нега рўй берди деган саволга эмас, балки қандай рўй берди деган саволга жавоб бермоқчи бўласиз. Афсуски, жавобларингиз етарли мантиққа асосланмаганлиги сезилиб туради.

Носиржон! Менинг назаримда, қиссаларингиздаги персонажлар худди турли командалардан чақириб тузилган терма жамоага ўхшайди. Сиз тренер сифатида зўр бериб, уларни бир-бирини тушунишга, вазифасини бажаришга ундайсиз. Аммо уларнинг айримлари қайсарлик қилиб, Сизнинг айтганларингизни охиригача адо этмайди ёки муддатидан олдин «ўйиндан чиқади». Натижада у таклиф этилган қанот бўшаб қолади-да, команданинг умумий манфаатига путур этади. Булар жиддий ўйлаб кўришга арзигулик мулоҳазалар деб биламан.

Хуллас, қулоғингизга айтадиган гапларим кўп. Бемалол учрашганимизда мириқиб гаплашармиз. Тагин бу гапларимдан кўнглингизга «ижод қилиш қўлимдан келмас экан-да» деган шубҳа тушмасин. Келади ва шунинг учун ҳам эринмай, қаламингиз янада чархланишини, кейинги асарларингиз бундан-да пишиқроқ, қизиқарлироқ чиқишини истаб айтяпман. Агар мен айтмасам, бошқалар индамаса, ўртамиёна ўқувчилар мақтовига учиб, кейинги асарларингиз ҳам чоки сўкилган, ямоқ тушган чопонга ўхшаб қолса, даставвал мен азият чекаман. Чунки яқинмиз, бир жойликмиз. Бир-биримизни эҳтиёт қилмасак, асраб-авайлай олмасак, биринчидан, адабиётимизни ранжитамиз. Иккинчидан, Сиздек қалами эндигина чархланиб келаётган ёзувчидан ҳам ажралиб қолмайлик дейман-да! Умид қиламанки, Сиз тахирроқ туйиладиган бу мулоҳазаларимни тўғри тушунасиз ва янги асарлар устида астойдил ишлайсиз. Ижодингизга файз ва барака тилайман. Омон бўлинг!

МУНДАРИЖА

<i>Муқаддима</i>	3
<i>Назарингизга тушганимдан бахтиёрман (Устоз Саид Аҳмадга)</i>	5
<i>Ижодий эркинлик самаралари (Абдуқасҳор Иброҳимовга)</i>	11
<i>Адабиётимизнинг пўлат чавандози (Ўткир Ҳошимовга)</i>	17
<i>Сўнмаган шиддат (Омон Мурторга)</i>	23
<i>Таниш чехралар ва манзаралар (Муроджон Мансуровга)</i>	28
<i>Гурунг баҳона (Машраб Бобоевга)</i>	32
<i>Тасодифга тасанно! (Нусрат Раҳматга)</i>	39
<i>Олис тарихнинг илиқ нурлари (Муҳаммад Алига)</i>	45
<i>Сиз тирик архивсиз (Набижон Боқийга)</i>	54
<i>Талантнинг юзини сўз очади (Носир Зоҳидга)</i>	59

Йўлдош СОЛИЖОНОВ

МЕН СИЗДАН САБОҚ ОЛДИМ

Адибларга мактублар

Муҳаррир *А. Ирисбоев*
Бадий муҳаррир *А. Турсунов*
Техник муҳаррир *Р. Исакулов*
Мусаҳҳиҳ *З. Жалилова*

Босишга ружсат этилди. 23.02.2007 й.
Қоғоз бичими 60x84 ¹/₃₂
Босма табоғи 4. Адади 1000 нуска.
Баҳоси келишилган нарҳда. Буюртма № 27

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти.

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонаси.
Тошкент, Х. Сулаймонова кўчаси, 33